БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик) ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 138 (6565)

12 ИЮЛЬ 1946 йил ЖУМА

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Совет Иттифоқи Генералиссимуси ўртоқ Сталинга (1-нчи бет).

Мўғулистон Халқ Республикасининг Бош Министри Маршал Чойбалсанга (1-нчи бет).

Мўғулистон Халқ Республикаси Кичик Хурали Президиумининг Раиси Бумацендега (1-нчи бет).

ССР Министрлар Советида (1-нчи бет).

Совет-Дания савдо муносабатларига доир (1-нчи бет).

Гражданликни қабул қилиш ва кўчиб жойлашиш тўғрисида ССР Ҳукумати блан Чехословакия Ҳукумати ўртасида тузилган битимнинг имзоланиши (1-нчи бет).

Ворошилов номли колхозга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроғи топширилди (1-нчи бет).

Ғўзани ўз вақтида чеканка қилайлик (1-нчи бет).

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши мажлисида В. М. Молотов баёноти (2-нчи бет).

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони (3-нчи ва 4-нчи бетлар).

«Тўртлар конференцияси» тевараги да (4-нчи бет).

МТС партия ташкилотларини мустаҳкамлайлик

Камроқ куч сарф қилиб, мўл ҳосил олиш учун, турмушни янада маданий ва фаровон қилиш учун қишлоқ хўжалик ишларида ва айниқса пахтачиликда машиналарни тобора кўпроқ қўлланиш керак. Колхоз тузуми ва сталинча беш йилликлар худди мана шу соҳада қишлоқларимизда чипакам революция юзага келтирди деса бўлади. Шу йиллар давомида колхозларимиз, совхозларимиз минглаб трактор, комбайн ва бошқа асбобларга эга бўлдилар.

Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг Сталинча программаси республикамиз далаларида қишлоқ хўжалик машиналарини янада кўпайтиришни, пахтадан, галладан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан янада кўпроқ ҳосил олишни назарда тутади. Бу эса, йил сайин кўпая ва мустаҳкамланаётган машина-трактор станцияларининг ролини янада кўтаради. Улар олдига жуда катта вазифалар қўяди. Худди мана шунинг учун ҳам машина-трактор станцияларидан, улардаги партия ташкилотларидан ўз ишларини тубдан яхшилаш талаб қилинади.

Машина-трактор станцияларидаги партия ташкилотлари ўз теваракларига барча ишчиларни, комбайнчиларни, трактorчиларни уюштириб, уларни МТС олдида турган вазифаларни муваффақият блан бажаришга сафарбар қилишлари, даставвал партиявий-ташкилий ва сиёсий-оммавий ишларни кучайтиришлари лозим.

Э'тироф қилиш керакки, бизнинг кўпгина машина-трактор станцияларимиздаги партия ташкилотлари мана шу асосий вазифаларни тўла бажармаётирлар. Улар хўжалик вазифаларига берилиб, кўпинча ма'муриятнинг ўрнини босишга ҳаракат қиладилар, партиявий-ташкилий ишларни эса иккинчи навбатга қўядилар. Коммунистларнинг дала ишларида етакчилигини та'миндаш, ишчилар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш масалаларига э'тибор қилмайдилар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети Қашқадарё область, Ғузор район машина-трактор станциясидаги бошланғич партия ташкилотининг ишини муҳокама қилиб чиқди ва шу тўғрида махсус қарор қабул қилди. Бу қарор республикамизлаги барча пахтакор ва галлакор районларнинг МТСлари учун катта сабоқдир.

Ғузор МТС партия ташкилотининг ишидаги асосий камчилик шундан иборатки, партия ташкилоти коммунистларни МТС ишидаги жиддий камчиликларни тугатиш учун сафарбар қилмади, партиясиз ишчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтирмади, партия а'зо ва кандидатларини сиёсий-гоявий жиҳатдан тарбиялашни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Партия ташкилоти кадрлар тайёлаш масаласи блан сра шуғулланмай қўйди.

Республикамиздаги кўпгина МТС партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ишларнинг иккинчи навбатга қўйилганлиги, партия йиғилишларининг талабчанлиги, партия ҳаётида доир масалаларнинг камдан-кам муҳокама қилиниши партия ташкилотининг МТС ҳаётидаги мавқеини ҳам пасайтириб қўйди.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг махсус қарорида кўрсатилган камчиликлар республикамизда бўлган бўлак МТСлардаги партия ташкилотларининг ишларида ҳам мавжуддир.

Масалан, трактор ишлари планини бажаришда, машиналардан яхши фойдаланишда илғор деб ҳисобланган Фарғона область Охунбобоев районидаги 1-нчи МТС да ҳам партиявий-сиёсий ишлар намуналари йўлга қўйилган деб бўлмайди. Бу МТСда партия ташкилотининг секретари 6 ой ичида 4 марта ўзгарган.

Наманган область, Янгиқўрғон районининг 1-нчи МТСида культивация қилиш кунлалик плани 60-65 процент бажарилади. Партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Мирбобоев трактorчилар, комбайнчилар ўртасида сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш учун қизиқмайди. Область партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Сухомлинов шу МТСга бировча марта келиб кетган бўлса ҳам, аммо партия ташкилотида сиёсий-оммавий ишларни йўлга қўйиш блан сра қизиқмади.

Бўка районидаги МТСнинг Тошкент областида ҳар жиҳатдан орқада қолишига асосий сабаб партия ташкилотининг сиёсий-оммавий ишларни кучайтиришга қизиқмаганлиги, трактор ишлари планини бажаришда коммунистларнинг авангардлигини та'миндаш олмаганлигидир.

Трактorчилар, комбайнчиларни янада яхшироқ ишлашга, механизмлардан унумли ва тўла фойдаланишга сафарбар қила олиш учун партия ташкилотининг секретаридан тортиб, барча коммунистлар машиналарнинг тилини билишлари, я'ни техникани эгалламоқлари лозим. Афсуски, МТС партия ташкилотларининг кўпгина секретарьлари техника соҳасидаги саводсизликларини тугатиш учун ҳаракат қилмайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ўзлари трактorчилар, комбайнчилар ўртасида кўп вақтда бурдсиз ва та'сирсиз бўлади.

МТСлардаги партия ташкилотлари қишлоқ, район партия комитетларининг раҳбарлигида, кундалик э'тиборига муҳтождирлар. Охунбобоев район партия комитети қилганидек, партия ташкилоти секретарьларини тез-тез алмаштириш, ёки Ғузор районида бўлганидек, МТС партия ташкилотини ўз ҳолига ташлаб қўйиш каби фактларга чидаб туриш мумкин эмас.

Республикамиз ғўзани парвариш қилиш, галлани тез фурсатда ўриб-янчиш соҳасида гоят мас'улиятли даврга киряпти. Ҳозирги кунларда қишлоқлардаги барча коммунистлар колхоз активларининг бутун кучи ғўзанинг ҳосилга ҳосил қўйишга, чоғиқ сур'атини бирдан сари кучайтиришга, галлани тезроқ йиғиштириб олишга қаратилиши керак. Партия ташкилотлари МТСлар олдида турган мана шу асосий вазифаларни бажариш учун ишчилар ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтиришлари, коммунистларни, барча коллективни гоявий-сиёсий жиҳатдан тарбияламоқлари, барча партиясиз ишчиларни борган сари яхшироқ ишлашга отлантирмоқлари лозим.

«Давлат ва партия ишининг ҳарқандай тармоғида ишлевчи ходимларнинг сиёсий-гоявий савияси ва марксчаленинча онглилиги нақадар юқори бўлса, ишнинг ўзи ҳам шуқадар юқорироқ ва самаралироқ бўлади, ишнинг натижалари шу қадар унумлироқ бўлади».

Ўртоқ Сталининг бу кўрсатмаси МТСдаги партия ва хўжалик активларини, барча коммунистларни, партиясиз большевикларни ўз гоявий-сиёсий савиялариии янада кўтаришга, меҳнат фронтида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишга чақиради. МТС партия ташкилотлари ўз ишларини худди мана шу асосда яхшилашлари лозим.

ВОРОШИЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎзК(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҒИ ТОПШИРИЛДИ

Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз сабзавотчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришда кўп йиллардан бери катта муваффақиятларга эришиб келади. Колхоз ўтган 1945 йилда 100 гектар картошка майдонининг ҳар гектаридан 20 тоннадан, карамнинг ҳар гектаридан 30 тоннадан, сабзидан 32 тоннадан, помидордан 41 тоннадан, қовун-тарбуздан 30 тоннадан ҳосил олди. Шундай қилиб колхоз йиллик ишлабчиқариш планини 142 процент бажарди. Колхоз ўтган йили 12 миллион сўм даромад қилди. Колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 41 сўмдан пул, 8 килограммдан картошка ва сабзавот тегди.

Колхоз урушдан аввал, я'ни 1940 йилда ҳаммаси бўлиб 1.233 тонна маҳсулот етиштирган бўлса, 1945 йилда 4.775 тонна маҳсулот етиштирди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитети бу колхозга сабзавот колхозлари ўртасидаги кўчма қизил байроқни Самарқанд областининг Комсомол районидаги «Қизил аскар» колхозидан олиб беришга қарор қилди.

8 июльда кечқурун колхознинг марказий шийпони байрам тусини олди. Атроф колхозлардан меҳмонлар келди. Ўзбекистон ССР Ер ишлари министрлиги коллегиясининг а'зоси ўртоқ Мусаев Ворошилов номли колхознинг сабзавотчиликни ривожлантиришдаги муваффақиятларини айтиб, колхозга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг кўчма қизил байроғини топширди.

Колхоз раиси ўртоқ Ғулом Маҳмуд Абдуллаев байроқни қабул қилиб олар экан шундай деди:

— Ўртоқлар, бу байроқ кўчма байроқ. Бу байроқни ўтган йилги ишимиз учун олдик. Байроқни олишимиз блан уни қўлдан чиқармаслик учун бу йил ўтган йилдагидан ҳам яхши натижаларга эришмоғимиз керак. Биз бу йил 110 гектар картошка майдонимизнинг ҳар гектаридан 23 тоннадан, сабзавот экиларидан 25 тоннадан, қовун-тарбуздан 30 тоннадан маҳсулот олиш мажбуриятини олганмиз. Ҳозир бригада ва звеналар ва алоҳида колхозчилар ўртасида социалистик мусобақа қизғин бормоқда. Азамат колхозчиларимиз номидан айтаоламанки, бу йил ўтган йилдагидан ҳам яхшироқ ишлаб шонли байроқни доимо сақлаб қоламиз.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети номидан ўртоқ Юсупбеков, Калинин район партия комитети ва райижроком номидан ўртоқ Акрамов Ворошилов номли колхоз а'золарини ғалаба байроғи блан табрикладилар.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Совет Иттифоқи Генералиссимуси *Ўртоқ СТАЛИНГА*

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

Қимматли Иосиф Виссарионович!

Мўғулистон халқ революциясига ва озод ҳамда мустақил Мўғулистон давлати тузилганига 25 йил тўлган юбилей кунида мўғул халқининг ўз давлатини барпо қилиш, шунингдек Мўғулистон Халқ Республикасининг хўжалик ва маданиятини ривожлантириш ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашда мўғул халқига қардошларча самимий ёрдам берганлингизга учун шахсан Сизга ва Сиз орқали Совет Иттифоқи ҳукуматига ва бутун совет халқига мўғул халқининг, мўғул халқи ҳукуматининг ва шахсан ўзимнинг энг самимий дўстлик ва миннатдорчилик ҳисларимизни изҳор қилишга рухсат этасиз.

Мўғул халқи Совет Иттифоқининг изчиллик блан қардошларча бераётган ана шу ёрдами соясида ўз миллий тараққиётининг кенг йўлига чиқиб олди ва совет халқи блан дўст бўлиб, чорак асрдан буён ўзининг озод, баҳтли ва бадавлат турмушини барпо қилиб келмоқда.

Қимматли Иосиф Виссарионович, мўғул халқи халқларимиз ўртасидаги дўстликни кучайтириш ва мустаҳкамлашда Сизнинг гоят катта хизматингиз борлигина яхши билади. Шу сабабдан, мўғул халқи Сизнинг унга нисбатан бўлган муҳаббатингизни ва мўғул халқининг озод ва қувноқ ҳаёти тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининнигизни ҳечқачон унутмайди.

Биз бу юбилейни бутун дун'ё совет халқига назар солаётган бир пайтда байрам қилмоқдамиз. Совет халқи уруш ва меҳнат соҳасида қаҳрамонлик намуналарини ва ўз ватанига чексиз муҳаббат намуналарини кўрсатди. Совет халқи Улуғ Ватан урушининг ҳамма синовларига бардош берди ва дун'ёни фашистлар қуллигидан қутқазди. Ҳурриятпарвар инсоният фашист агрессорлари устидан узил-кесил ғалаба қозонишда ва дун'ёда тартиб ўрнатишда совет халқининг қилган тарихий хизматларини абадий унутмайди.

Совет Иттифоқи блан ғаразсиз ва самимий дўст бўлишгина халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг асосий шарти эканлигини ҳозир бутун дун'ё кўриб турибди.

Мўғул халқининг тарихидаги бу шонли байрам кунида Сизни ва Сиз орқали Совет Иттифоқи ҳукуматини ишонтириб айтаманки, 1921 йилда халқларимиз ўртасида вужудга келган ва чорак аср мобайнида тарихий синовлар ўтган дўстлик халқларимизнинг баҳт-саодати учун бундан буён ҳам кучаяди ва мустаҳкамланади.

Мўғулистон Халқ Республикасининг Бош Министри Маршал ЧОЙБАЛСАН.

Мўғулистон Халқ Республикасининг Бош Министри Маршал ЧОЙБАЛСАНГА

Мўғулистон халқ революциясининг шонли 25 йиллиги муносабати блан Сизни ва Сиз орқали Мўғулистон Ҳукумати ва мўғул халқини Совет Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман. Мўғулистон халқ революцияси мустақил Мўғулистон мамлакатининг давлат, хўжалик ва маданий қурилиши учун шароит вужудга келтирди.

Совет Ҳукумати номидан маҳкам ишонч билдириб айтаманки, халқларимиз ўртасидаги дўстлик чорак аср мобайнида мустаҳкам дўстлик эканлигини исбот қилди. Бу дўстлик бундан буён ҳам мамлакатларимизни мустаҳкамлаш ва яшнатишга ҳамда шарқда умумий тинчлик ва хавфсизликка хизмат қилади.

И. СТАЛИН.

Мўғулистон Халқ Республикаси Кичик Хурали Президиумининг Раиси БУМАЦЕНДЕГА

Мўғулистон халқ революциясининг 25 йиллиги муносабати блан Сизни ва Сиз орқали Мўғулистон Халқ Республикасининг меҳнаткашлар оммасини самимий табриклайман.

Мўғул халқининг ички ва ташқи душманлари асрлар бўйи халқ оммасини эзиб, уни қашшоқлик ва қирилиб битишга маҳкум этган эдилар. Мўғул халқи ички ва ташқи душманларининг кўп аср давом этган ана шу зулмини совет халқининг қардошларча ёрдами соясида даф' қилганига йигирма беш йил бўлди. Мўғул халқи ўтган 25 йил ичида ўз партияси ва ўз ҳукуматининг раҳбарлигида халқ хўжалиги ва маданиятининг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришди.

СССР Олий Совети Президиуми номидан дўст мўғул халқининг озод ва маданий ҳаёт қуриш соҳасида янада янги муваффақиятларга эришувини чин қалбимдан тилайман.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ШВЕРНИК.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1946 ЙИЛ КЎКЛАМГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ ПЛАНИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ, ЎЛКА, РЕСПУБЛИКА ВА РАЙОНЛАР ЎРТАСИДА БОШЛАНГАН БУТУН ИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети 1946 йил кўкламги қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш юзасидан область, ўлка, республика ва районлар ўртасида бошланган Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини кўриб чиқиб, қуйидаги область, ўлка, республика ва районларни кўклам экиш планини тўла ва ошириб бажариш соҳасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқдилар деб ҳисоблади ва қарор қилди:

ОБЛАСТЬ, ЎЛКА ВА РЕСПУБЛИКАЛАР БЎЙИЧА

1. Министрлар Советининг кўчма қизил байроқлари, пул мукофотлари қуйидагиларга топширилсин:

биринчи пул мукофотлари: Свердлов областига

Краснодар ўлкасига

иккинчи пул мукофотлари: Сталино областига

Горький областига

Бошқирдистон АССРга

Иркутск областига

Чкалов областига

2. Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қирғизистон, Латвия, Литва, Эстония ССР, Қабарда, Шимолий-Осетия, Татаристон, Ёқутистон АСС Республикалари: Грозний, Калинин, Қрим, Қўрғон, Ленинград, Молотов, Москва, Новгород, Псков, Ростов, Челяби областьлари, Ставрополь ўлкаси; Украина ССР нинг Винница, Запорожье, Киев областьлари; Қозоғистон ССРнинг Оқмулла, Олмаота ва Қораганда областьларининг кўкламги экиш ишларини яхши ўтказганликлари та'кидлаб ўтилсин.

РАЙОНЛАР БЎЙИЧА

СССР Министрлар Советининг кўчма қизил байроқлари ва пул мукофотлари қуйидаги районларга берилсин:

Молотов областининг Верхней-Мулинск районига,

Удмирдистон АССРнинг Камбарск районига,

Қозоғистон ССР, Оқмулла областининг Отбосар районига,

Москва областининг Дмитров районига,

Белоруссия ССР Могилев областининг Славгород районига, Чувашистон АССР нинг Вурнарск районига,

Псков областининг Островск районига,

Горький областининг Борск районига,

Ставрополь ўлкасининг Ново-Александровск районига,

Ростов областининг Сальск районига,

Арманистон ССРнинг Мартунин районига,

Свердлов областининг Буткинск районига,

Краснодар ўлкасининг Павлов районига,

Омск областининг Полтава районига,

Литва ССР нинг Биржайск уездига,

Калинин областининг Луковниковск районига,

Приморье ўлкасининг Черниговка районига,

Грозний областининг Сунженск районига,

Украина ССР, Винница областининг Винница районига.

Украина ССР, Киев областининг Жашковск районига.

СОВЕТ - ДАНИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Шаҳзода Аксель бошчилигида Москвага келган Дания савдо делегацияси блан СССР Ташқи савдо министрлиги ўртасида бўлган музокаралар натижасида шу йил 8 июльда ҳар икки мамлакатнинг бирбирига мол юбориб туриши тўғрисида ССР Иттифоқи Ҳукумати блан Дания Ҳукумати ўртасида тузилган битим имзоланди.

Битим икки йиллик муддат блан тузилди, битим муддатини кейинчалик яна узайтириш мумкин; битим мол айрибошлаш тартибини ва СССР блан Дания ўртасида бўладиган ҳисоб-китоб тартибини белгилайди.

Айни замонда ҳар икки томон 1946 йил 1 июльдан тортиб 1947 йил 31 декабрьгача бўлган даврда муайян моллариии бир-бирларига етказиб бериш тўғрисида ҳам битим тузди.

Дания Совет Иттифоқига асосан сарғ ёғ ва гўшт етказиб беради.

СССР Данияга унинг саноати учун зарур бўлган хомаш'ё ва материаллар етказиб беради.

Ҳар икки томон Даниядан ССР Иттифоқига қўшимча равишда гўшт ва ёғ етказиб бериш ва бунинг эвазига ССР Иттифоқидан кунжара ва дон олиш тўғрисида шу йил сентябрь-октябрь ойида музокара бошлашга қарор бердилар.

Битимга Совет Ҳукуматининг ваколати блан—Ташқи савдо министрининг ўринбосари А. Д. Крутиков ва Дания ҳукуматининг ваколати блан элчи Хуго Хергель жаноблари қўл қўйди.

Яқин вақтлар ичида СССР блан Дания ўртасида савдо-сотиқ ва кемалар қатновуи тўғрисида доимий шартнома тузилиши кутилади. Бу тўғрида яқинда бошланган музокаралар муваффақиятли давом этмоқда. (ТАСС).

ГРАЖДАНЛИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА КЎЧИБ ЖОЙЛАШИШ ТЎҒРИСИДА ССР ҲУКУМАТИ БЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ ҲУКУМАТИ ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН БИТИМНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

Кейинги вақтларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати блан Чехословакия республикаси Ҳукумати ўртасида СССРда илгариги Волинск губернаси территориясида яшовчи чех ва словак миллатларига мансуб гражданларга Чехословакия гражданлигини қабул қилиш ва Чехословакияга кўчиб жойлашиш ҳуқуқини бериш ҳамда Чехословакия территориясида яшовчи украин, рус ва белорус миллатларига мансуб чехословак гражданларига СССР гражданлигини қабул қилиш ҳамда СССРга кўчиш ҳуқуқини бериш ҳақида битим тузиш юзасидан музокаралар бўлди.

Дўстона бирламлик руҳида ўтган бу музокаралар натижасида 1946 йил 10 июльда битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, СССР Ҳукумати илгариги Волинск губернаси территориясида яшовчи чех ва словак миллатларига мансуб совет гражданларига Чехословакия гражданлигини қабул қилиш ва Чехословакияга кўчиб жойлашиш ҳуқуқини берди, Чехословакия Республикаси Ҳукумати эса, Чехословакия территориясида яшовчи рус, украин ва белорус миллатларига мансуб чехословак гражданларига совет гражданлигини қабул қилиш ва СССРга кўчиб жойлашиш ҳуқуқини берди. Битимнинг 2-нчи моддасида бунгай дейилади: бир мамлакат гражданлигидан чиқиб иккинчи мамлакат гражданлигини қабул қилиш ва бир давлат территориясидан иккинчи давлат территориясига кўчиб жойлашиш юзасидан битимда берилган ҳуқуқ тамомила ихтиёрлик асосида амалга оширилиши лозим.

Совет гражданлигини ёки чехословак гражданлигини қабул қилишни ва СССРга ёки Чехословакияга кўчиб жойлашишни истаган ва шунга ҳаққи бўлган кишилар 1946 йилнинг 15 сентябридан кечикмай, шу тўғрида Аралаш Совет-Чехословак комиссиясининг Район вакилига ёки Бош вакилига ариза берадилар. Бу Аралаш комиссия яқин орада Москвада ҳар икки томоннинг иштироки блан тузилади, Чехословакиядан СССРга, шунингдек СССРдан Чехословакияга кўчишни 1946 йилнинг 15 ноябридан кечиктирмай тамомлаш кўзда тутилади.

Битимни СССР Ҳукуматининг ваколати блан СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари С. А. Лозовский ва Чехословакия Республикаси Ҳукуматининг ваколати блан — Чехословакия Республикасининг СССРдаги элчиси Горак жаноблари имзолади. Битимни имзолаш вақтида Совет Ҳукумати томонидан — СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Коллегиясининг А'зоси А. П. Павлов, Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол Бўлими Мудири Ф. Ф. Молочков ва бошқа кишилар. Чехословакия Ҳукумати томонидан — Элчихона Маслаҳатчиси Каспарек жаноблари, ҳарбий атташе Мразек ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

ҒЎЗАНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЧЕКАНКА ҚИЛАЙЛИК

Ғўза ўсиб, атрофга шох отиб, ҳосилга кираётган ҳозирги пайтда уни чеканка қилиш пахта ҳосилининг кўпайишига ёрдам беради. Ҳозир республикамизнинг пахта далаларида ғўзалар ўсиб ва шохлаб ҳосилга кирмоқда. Ғўзанинг жуда ғовлаб кетмаслиги, ҳосилнинг кўп бўлиши учун уни чеканка қилиш жуда катта аҳамиятга эга. Ғўза чеканка қилинганида ердаги озуқа моддалар унинг ҳосил шохларига куч бериб, ғўзадаги шона ва гулларни кўпроқ сақлаб қолишга, кўсакларнинг эртароқ етилишига ва тўқ бўлишига имкон беради.

Пахтадан юқори ҳосил олиб келаётган илғор колхозлар, юзцентнерчи бригада ва звеналар ғўзаларини чеканка қилишга алоҳида э'тибор берадилар. Улар ғўзадаги эркак шохларни ва ғовлаб кетган, кам ҳосилли шохларни чеканка қилиш блан ҳосилни ортдирадилар.

ЎзК(б)П Марказий Комитети ғўзанинг ҳозирги ўсишига қараб, уни алоҳида ерларда барвақт чеканка қилиш лозимлигини уқдиради. ЎзК(б)П Марказий Комитетининг кўрсатмасига асосан Сурхондарё областида чеканкани 9—10 июльдан, Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона областьларида 14—15 июльдан, бошқа областьларнинг ҳаммасида эса, 17—18 июльдан бошлаш керак. Ғўзани чеканка қилишни ҳамма жойда 5 августдан қолдирмасдан тамомлаш керак.

Чеканка қилишни ҳарбир ернинг шароитига, ҳарбир туп ғўзанинг аҳволига қараб ўтказиш керак. Американ ғўзанинг ҳарбир тупи ўрта ҳисобда 12 — 13 ҳосил шохи, миср ғўзаси 13 — 14 ҳосил шохи пайдо қилганда чеканка қилиш зарур. Ана шу миқдордаги ҳосил шохлари бўлмаган ғўзаларни чеканка қилишга ҳозирча йўл қўйилмаслиги лозим.

Ғўзани учинчи чеканка қилганда ён шохларини ҳам унитмаслик керак. Учинчи чеканка қилиб, ён шохларини ташлаб қўйилса, учи ўсмагани блан ўзи ёнига ўсаберади ва бундай чеканкадан фойда бўлмайди. Шунинг учун чеканкани уч шохларида ҳам, ён шохларида ҳам баравар ўтказиш керак.

Ўзбекистон ССР Техника экиларн министрлиги ва унинг жойлардаги органлари, область ва район партия, совет ташкилотлари пахта мўл ҳосили учун курашда муҳим тадбир ҳисобланган чеканкага алоҳида аҳамият беришлари, бу тадбирни ЎзК(б)П Марказий Комитети кўрсатган муддатда бажариш учун айрим далалардаги ғўзанинг ўсишига қараб ҳарбир колхоз учун чеканкани бошлаш ва тамомлаш муддатларини белгилашлари зарур.

Район техника экиларн бўлимлари ва МТСларнинг агрономлари ҳамма колхозларда чеканкани қандай ўтказиш ҳақида колхозчиларга маслаҳат беришлари, чеканка қилишга тажрибакор кишилар ажратилиши лозим. Ҳали ўсиб етмаган, ҳосил шохлари Марказий Комитет белгилаган миқдорга етмаган ғўзаларни чеканка қилишга асло йўл қўйилмаслиги керак. Бунинг учун колхозларда чеканканинг назорат қилиб турилиши, бу иш агротехника қоидалари асосида ўтказилиши шарт.

ИТТИФОҚЧИ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ МОСКВАГА КЕЛМОҚДАЛАР

Иттифоқчи республикаларнинг спорт делегациялари Бутун Иттифоқ физкультурачилар парадида қатнашиш учун Москвага кела бошладилар. 9 июльда Ўзбекистон ССР делегацияси Қозон вокзалига келди. Ўзбекистон спортчилари пойтахтдаги Сталин районида меҳмон бўладилар. Район комсомоллари улар учун умумий ётоқхоналар тайёрладилар.

Беларуссия, Молдавия, Эстония, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Карель-Фин республикаларининг спорт делегациялари ҳам Москвага келди. (ТАСС).

Ташқи Ишлар Министрлари кенгашининг мажлисида В. М. МОЛОТОВ баёноти

Германиянинг ҳарбий кучларини йўқотиш шартномаси юзасидан Америка лойиҳаси тўғрисида

ПАРИЖ, 9 июль (ТАСС). Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг бугунги мажлисида Германияни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш шартномаси юзасидан Америка лойиҳаси муҳокама қилинган вақтда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов қуйидагиларни айтди:

«Совет ҳукумати Германияни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини узоқ вақтгача йўқотиш шубҳасиз зарур эканлигини яна та'кидлайди. Совет ҳукумати Германия лойиҳада кўрсатилганидек 25 йил мобайнида эмас, балки ақалли 40 йил мобайнида урушолмайдиган ҳолда, қуролсиз қолдирилиши керак деб ҳисоблайди. Тажриба биринчи жаҳон урушидан кейин Германиянинг қуроллашишини чеклаш учун берилган қисқа муддат Германиянинг Европа ва бутун дун'ё халқларига хавф туғдирадиган агрессив куч сифатида яна бош кўтаришга йўл қўймаслик учун мутлақо етарли эмас эканлигини кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши тамом бўлганидан буён атиги 20 йил ўтиши блан Германия иккинчи жаҳон урушини бошлаб юборди. Сулҳпарвар халқлар Германияни мумкин қадар узоқ вақт мобайнида қуролсиз ҳолда сақлашдан манфаатдор эканликлари аён.

Тақдим этилган шартнома лойиҳаси бутун дун'ёда тинчлик ва хавфсизлик манфаатларини кўзда тутган дейилади. Шартноманинг муқаддимасида Европа ва бутун дун'ё халқларининг тамомила тинч ҳаёт кечиришига имкон бериш нияти тўғрисида гапирилади. Аммо, лойиҳа блан танишиб чиқилганда, хавфсизликни та'минлаш учун ва келажакда Германия томонидан бўладиган агрессиянинг олдини олиш учун лойиҳада кўрсатилган чоралар мутлақо кифоя эмаслиги ма'лум. Бу ҳужжат ҳарбий ва ҳарбий-хўжалик чораларини санаб кўрсатиш блан чекланади, шу блан бирга лойиҳада бу чоралар уч давлат раҳбарларининг Берлин конференцияси қабул қилган қарорда кўрсатилганлари ҳам камроқ баён қилинган. Берлин конференциясининг қарорида булардан ташқари яна хавфсизлик ва мустаҳкам тинчлик бўлишини та'мин этадиган бошқа муҳим шартлар ҳам кўрсатилган эди. Совет ҳукумати шунга асосан шундай хулосага келдики, тўрт давлат шартномаси у Германияни қуролсизлантириш ҳақидаги гаплар блан-гина чекланадиган бўлса, бундай шартнома Европа ва бутун дун'ёнинг хавфсизлигини та'минлай олмайди. Аксинча, лойиҳада таклиф этилган чораларнинг етарли эмаслиги Германиянинг агрессив давлат сифатида яна бош кўтариш хавфини туғдириши мумкин.

Тўрт давлат тузилган ва Германия томонидан бўлдирилган янги агрессиянинг олдини олдирган ҳамда бунинг натижасида халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик бўлишига чинакам хизмат қилдиган шартнома қандай бўлиши керак, деган савол ўртага қўйилади. Бу саволга жавоб бермоқ учун, Германия блан урош бўлиб турган давлатлар иттифоқчи давлатларнинг биргаликда қабул қилган қарорларини кўздан кечириб чиқиш керак.

Ҳаммага ма'лумки, Америка Қўшма Штатлари, Совет Иттифоқи ва Буюк Британия ҳукуматларининг Қрим конференциясида биргаликда қабул қилган, сўнгра Берлин конференциясида яна ривожлантирилган қарорларида (бу қарорларга Франция ҳам қўшилган эди) Европани ва бутун дун'ёни Германия томонидан агрессиянинг яна такрорланиш хавфидан халос қилиш сохасидаги асосий вазифалар кўрсатилган эди. Бу қарорларда воз кечиш учун бизда ҳеч қандай асос йўқ. Бу қарорлар тинчликни та'минлаш сохасидаги ишимизда олга қараб кўйилган қадамимиз учун асос бўлиши лозим.

Аввало шуни айтиш керакки, бу қарорларда «Германияни тамомила қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш зарурлиги ҳамда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкин бўлган бутун герман саноатини тугатиш ёки уни контроль қилиш» зарурлиги тўғрисида гапирилади (Берлин конференцияси). Демак, ҳозир биз муҳокама қилаётган шартнома лойиҳаси тақдим этилишидан кўп вақт илгариёқ мамлакатларимиз Германияни тамомила қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисида қарор чиқарган эдилар. Ўша вақтда Германия индустриясини тарқатиб юбориш зарур деб топилган эди. Шу блан бирга иттифоқчилар Германиянинг ҳарбий-хўжалик имкониятларини тугатиш ва Германия саноатини иттифоқчилар контроли остига олишни ҳамиша келажакда халқлар хавфсизлигини та'минлаш сохасида энг муҳим вазифа деб билган эдилар. Тақдим этилган лойиҳада бу вазифалар қисқартиб, мутлақо қониқарсиз шаклда қўйилган. Агар ҳозирги вақтда бу масала қай тарзда туради деб савол берилса, аҳволнинг мутлақо қониқарсиз эканлиги ма'лум бўлади. Совет ҳукумати герман қуролли кучларини қуролсизлантириш ва бошқа ҳарқандай ҳарбий, ярим ҳарбий ташкилотлар ҳамда муассасаларни тугатиш қандай амалга оширилганлигини Германиядаги ҳамма оккупация доираларида текшириб чиқишни таклиф қилган эди. Шу вақтгача бундай қилинмади. Аммо, биз, шу соҳадаги ҳарқандай англашилмовчиликларни йўқотиш учун текшириш ўтказиш тўғрисидаги таклифимизда қаттиқ турамиз. Германиянинг ҳарбий-хўжалик имкониятларини йўқотиш тўғрисидаги масалага келганда шуни айтиш керакки, бу соҳадаги ишлар асло кўнгилдагидек эмас. Бу соҳада ҳали текшириб чиқиладиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ, чунки Германиянинг ҳарбий имкониятларини тугатиш юзасидан шу вақтгача ҳеч қандай план қабул қилинмади. Бу соҳада умумий пландан ташқари кўрилган айрим чоралардан бошқа ҳеч қандай иш қилингани йўқ. Шу сабабдан, Совет ҳукумати Германия саноатининг герман армияси учун гоят кўп қурол ишлаб чиқариб агрессиячи Германиянинг ҳарбий-иқтисодий негизи бўлган тармоқларини тугатиш чораларини амалга ошириш учун план тузиш ва тартиб белгилаш ишларини бундан буён пайсалга солиб бўлмайди деб ҳисоблайди. Германияни қуролсизлантиришда герман қуролли кучларини ва ҳарқандай ҳарбий, ярим ҳарбий ташкилотларни тарқатиб юборишни, Германияни қуроллантиришга хизмат қилган герман саноатини тугатишни ўз ичига олган чоралар гина,— Германияни шу тарзда қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш чорасигина мустаҳкам тинчлик ва халқлар хавфсизлиги манфаатларига мувофиқдир. Тинчлик ва хавфсизликни барпо қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйдиган тўрт давлат шартномаси даставвал шу вазифаларни амалга оширишга мувофиқлаштирилиши лозим. Тақдим қилган лойиҳа бу саволларга қониқарли жавоб бераолмайди.

Шу блан бирга шуни эсда тутишимиз керакки, хавфсизлик бўлишини та'минлаш ва Германия томонидан агрессиянинг яна такрорланишига йўл қўймаслик ҳарбий ва ҳарбий-хўжалик характеридаги чораларгагина боғлиқ эмас. Крим ва Берлин конференцияларининг Германияга нисбатан сиёсий вазифаларга тааллуқли бўлган қарорлари ҳам катта аҳамиятга эгадир. Иттифоқчи давлатлар келажакда тинчлик бўлишини ва халқларнинг хавф-хатарсиз яшашини та'миплаш учун бу вазифаларни доим, сўзсиз амалга ошириш зарур, деб ҳисобладилар.

Қрим конференциясининг қарорларида «нацистлар партиясини, нацистларнинг қонунларини, ташкилот ва муассасаларини йўқ қилиш, жамоат муассасаларини, герман халқининг маданий ва иқтисодий ҳаётини нацистларнинг ва милитаристларнинг ҳарқандай та'сиридан халос қилиш» зарур эканлиги айтилган эди. Берлин конференциясининг қарорларида булар тўғрисида батафсил гапирилган. Бу қарорларда «Германиядаги сиёсий ҳаётни демократик асосда қат'ий суратда тузишга тайёргарлик кўриш» зарурлиги деб та'кидланади. Тақдим этилган шартнома лойиҳасида германдаги фашизмининг қолдиқларини тугатиш тўғрисида ва Германиядаги сиёсий ҳаётни демократик асосларда қайтадан қуриш ҳақида ҳеч гап йўқ. Бунга қўшилиш мумкин эмас.

Кечаги кунда ҳаммамиз «нацистлар партиясини ер юзидан йўқ қилиш» блан бирга Германиядаги жамоат ҳаётининг ҳамма соҳаларида гитлеризм ҳукмронлиги оқибатларини тугатиш — энг муҳим вазифамиз деб э'тироф қилган эдик. Биз бу вазифаларнинг бажарилишини Германия давлатини демократик асосларда қайтадан қуриш учун зарур шарт деб ҳисобладик. Бунинг натижасида Германия агрессив куч бўлиб қолмаслиги, сулҳпарвар, демократик давлат бўлиб қолиш ва шундан кейин халкаро майдонда тинч йўл блан ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлиши керак эди. Германияни шу асосда қайтадан қуриш унча енгил вазифа эмаслигини, бу вазифа муайян фурсат талаб қилишини ва герман халқи орасидан чиққан ва ҳамда бу ишни ўз зиммасига оладиган демократик кучларни фаол суратда қўллаб-қўлтиқлашимиз керакли-гини ҳаммамиз тушинар эдик. Шуни э'тироф қилиш керакки, Германияда жиддий демократик кучлар пайдо бўлди, бу кучлар Германияни демократик асосда тиклаш соҳасида ишлаб, муайян ютуқларга эришмоқдалар. Аммо, Германияни демократик асосда қайтадан қуриш ишлари энлигина бошланди: дастлабки ишларгина бажарилди: Германияда фашизм кучлари ҳали илдизидан қуритиб ташланган эмас. Ма'лумки, илгари гитлеризмнинг мустаҳкам таянчи бўлган йирик помещчикларни тугатишни қўлга тутган ер ислоҳоти фақат совет доирасидагина амалга оширилди. Ер ислоҳоти ғарбий доираларда ҳали бошланган ҳам эмас. Герман фашизми агрессиягa тайёрланишда ва уруш олиб боришда герман саноатчиларининг монополия бирлашмаларига — картельлар, трестлар, синдикатлар ва шу сингариларга таянган эди. Ана шу монополия бирлашмалари айниқса ғарбий доираларда ўз та'сирларини сақлаб қолмоқдалар. Шу сабабдан, биз келажакда хавфсизлик бўлишини чинакам та'мин этишни истар эканмиз, нацизмни батамом йўқ қилиш вазифаларига ва Германиянинг ҳарбий кучларини йўқотиш масалаларига э'тиборимизни сусайтира олмаймиз. Бундай қилишга ҳеч қандай асосимиз йўқ.

Гап шундай экан, тақдим этилган лойиҳада халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини та'минлашдан иборат ана шу муҳим вазифалар тўғрисида бир калима ҳам сўз йўқлигини қандай тушиниш мумкин? Мустаҳкам тинчликнинг ҳамма тарафдорлари Қрим ва Берлин конференциялари чиқарган қарорларнинг сўзсиз амалга оширилишидан манфаатдорлар. Бу нарса биз учун равшан бўлмоғи керак. Биз биргаликда чиқарган қарорларимизни эсда тутишимиз лозим. Бу қарорларда шундай дейилган эди: «Герман милитаризми ва нацизми илдизидан йўқ қилинади ва иттифоқчилар Германиянинг бундан буён ҳеч қачон ўз қўшинларига ва бутун дун'ёда тинчликнинг сақланишига таҳдид қилолмаслиги учун зарур бўлган бошқа чораларни ҳозирги вақтда ҳам, келажакда ҳам ўзаро келишиб кўрадилар» (Берлин конференцияси). Тақдим этилган шартнома лойиҳаси бу мақсадларга муносиб эмас. Шартнома лойиҳаси мустаҳкам тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'минлаш учун зарур бўлган муҳим шартларга э'тибор қилмайди ва бу шартларни менсимайди. Шундай қилиб, тақдим этилган шартнома лойиҳаси хавфсизлик манфаатлари нуқтаий назаридан мақсалга жавоб бераолмайди, биз бунда лойиҳанинг иттифоқчилар томонидан илгари биргаликда қабул қилинган қарорларга зид эканлиги тўғрисида сўзлаб ҳам ўлтирмаймиз.

Германия томонидан бундан кейин бўладиган агрессиянинг олдини олиш сохасида лойиҳада кўрсатилган чоралар мутлақо етарлик бўлмаслигига қарамай, унда Германия территориясининг иттифоқчилар томонидан оккупация қилинишина тўхтатиш мумкинлиги кўзда тутилади. Бу блан лойиҳа Германия оккупация қилинган вақтда иттифоқчиларнинг ўз олдиларига қўйган мақсадларини менсимайди. Шуни унитмаслик керакки, Германияда иттифоқни ва совет қўшинларининг бўлишидан уч мақсад кўзда тутилади: бу мақсад — биринчидан, Германияни ғарбий ва иқтисодий жиҳатдан қуролсизлантириш ва бу ишни охиригача етказиш; иккинчидан, Германиядаги идора усулини демократлаштириш; ва, учинчидан, репарация қаҳрининг тўланишини та'миплашдан иборат. Бу вазифалар ҳали бажарилмаган экан, Германияда оккупация қўшинлари мутлақо бўлиши ва оккупация доиралари сақланиши, шубҳасиз, зарур деб ҳисоблаймиз.

Германияни ғарбий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила қуролсизлантириш нуқтаий назаридан лойиҳанинг қанчалик қониқарсиз эканлиги, шунингдек, лойиҳа Германиядаги усул идорани демократлаштириш вазифасини тамомила э'тиборсиз қолдирганлиги юқорида айтиб ўтилди. Бунга илова қилиб яна шуни айтиш керакки. Бирис жанобларининг лойиҳаси Германиянинг репарация ҳақларини тўлашини та'миплаш зарурлигини ҳам тамомила э'тиборсиз қолдиради. Совет ҳукумати бунга асло розе бўлаолмайди.

Германиядан олинадиган репарациялар тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтиш керак. Герман қўшинлари бостириб кирган ва герман оккупацияси натижасида гоят кўп кулфат чеккан давлатлар бу масалагa айниқса кўпроқ манфаатдорлар. Тақдим этилган лойиҳада репарациялар масаласи эсдан чиқарилган. Совет Иттифоқининг репарациялар масаласини унитаолмаслиги ма'лум.

Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатлар ҳукуматлари Қрим конференциясидаёқ Германиядан СССР фойдасига олинадиган репарацияларнинг умумий миқдорини 10 миллиард доллар белгилаш мумкин деб топган эдилар. Совет ҳукумати Берлин конференциясида Германиядан Совет Иттифоқи фойдасига олинадиган репарациялар 10 миллиард доллар миқдорида бўлсин деб яна талаб қилди. Конференцияда Қўшма Штатларнинг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқи асосан, Германиядаги ўз оккупация доирасидан ва қисман ғарбий доиралардан репарациялар олиши мумкин, деб қарор қилинган эди ва бу Берлин конференциясининг қарорларига ёзилган эди. Машина-асбобларгина эмас, балки Германия саноатининг ишлаб чиқарадиган моллари ҳам репарациялар ҳақига киргизилиши лозим, албатта. Аммо, репарациялар ҳисобига машина ва саноат моли етказиб бериш тобора янги тўсқинликларга учраётганлиги ма'лум. Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия ўз зиммасига олган, шунингдек кейинчалик Франция ҳам қўшилган мажбуриятлар бўлишига қарамай, Берлин конференциясининг репарация ҳақини тўлаш тартибида машина ва саноат маҳсулоти етказиб бериш ҳақидаги қарорлари Германиянинг ғарбий оккупация доираларида бажарилмаётир. Бу қарорларнинг бажарилишини кечиктириш ва бажарилишига йўл қўймаслик учун ҳар хил баҳоналар топилмоқда. Яқинда Америка генерали Клей Иттифоқ Контроль Кенгашида тўрт ҳукумат ўртасида қабул қилинган ва мутлақо қониқарли бўлмаган дастлабки қарорларга мувофиқ ҳам Совет Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар фойдасига репарация юзасидан мол етказиб беришдан бош тортганлиги тўғрисида ғайри қонуний баёнотини э'лон қилди. Совет ҳукумати репарациялар тўғрисидаги масалалар юзасидан ҳукуматларимизнинг биргаликда чиқарган қарорларига шундай қаралишига асло розе бўлаолмайди. Бирис жанобларининг лойиҳасига мувофиқ, репарация тартибида мол етказиб бериш ҳақидаги қарорнинг бажарилиш-бажарилмаслигига қарамай Германия территориясининг иттифоқчилар томонидан оккупация қилинишини тўхтатиш ҳақида гапирилади. Биз бу таклифга асло кўшилаолмаймиз. Совет ҳукумати Германиядан 10 миллиард доллар миқдоридаги репарация ҳақининг сўзсиз олинишини талаб этади, чунки бу репарация ҳақлари герман оккупацияси томонидан Совет Иттифоқига етказилган гоят катта зарарнинг жуда оз қисмининг-гина қоплайди. Оккупация кулфатларига дучор бўлмаган Америка Қўшма Штатлари ва Англия СССР учун олинадиган репарацияларнинг аҳамиятига бирмунча етарлик баҳо бермасалар керак. Аммо, герман оккупациясининг азобларини чеккан Совет Иттифоқининг халқлари ўзининг қонуний талабларига шундай қаралишига розе бўлаолмайдилар.

Германияни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисида Бирис жанобларининг тақдим этган шартнома лойиҳасига Совет Иттифоқининг қандай қараётганлиги юқорида айтилган гаплардан ма'лум. Шартнома лойиҳасига тақдим этилган ҳозирги шаклида тинчликни ва халқлар хавфсизлигини та'миплаш манфаатларига муносиб эмаслиги биз учун аён. Лойиҳа тамомила қайтадан тузиб чиқилиши лозим. Мен айтган мулоҳазалар бу лойиҳани қайтадан тузишда бизнинг фикримизча, амалга оширилиши зарур бўлган йўлни кўрсатиб беради».

Германиянинг тақдири ҳақида ва у блан тузиладиган сулҳ шартномаси тўғрисида

ПАРИЖ, 10 июль (ТАСС). Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг бугунги мажлисида Германия масаласи муҳокама қилинган вақтда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Германиянинг тақдири ҳақида ва у блан тузиладиган сулҳ шартномаси тўғрисида қуйидагиларни айтди:

Германиянинг тақдири ҳақидаги ва у блан тузиладиган сулҳ шартномаси тўғрисидаги масалани муҳокама қилишимиз лозим бўлган пайт келди.

Совет Ҳукумати қасос олиш ҳисси ҳамиша бундай масалаларда яхши маслаҳатгўй эмас деб ҳисоблади. Герман халқи Германиянинг қилган агрессияси учун ва бу агрессиянинг жуда оғир оқибатлари учун жавобгарликни ўз зиммасидан соқит қилаолмаса ҳам гитлерчилар Германиясини герман халқи блан тенглаштириш нотўғридир.

Герман армияларининг Совет Иттифоқига бостириб кириши натижасида совет халқи бениҳоя оғир кулфатларни бошдан кечирди. Биз бениҳоя кўп талафот кўрдик. Европадаги ва Европадан ўзга жойлардаги бошқа халқлар ҳам, Германия томонидан бошланган уруш натижасида берилган оғир талафот ва муҳтожликнинг оқибатларини узоқ вақтгача ҳис этажаклар. Шу сабабдан, Германиянинг тақдири тўғрисидаги масала ҳозирги вақтда (герман халқинигина қизиқтириб қолмай герман халқининг бу масалага қизиқиши табиий), балки келажакда хавф-хатарсиз яшашга ва Германия томонидан агрессиянинг такрорланишига йўл қўймаслиққа интилаётган бошқа халқларни ҳам қизиқтираётганлиги ма'лум. Шу блан бирга, Германия ўзининг саноат қуввати жиҳатидан бутун жаҳон хўжалиги системасида муҳим ўрин тутганини эсга олиб ўтмай бўлмайди ва, иккинчи томондан, бу саноат қуввати агрессив Германияни қуроллантириш учун кўп марта негиз бўлиб келганлигини ҳам унутиш ярамайди.

Хулоса чиқаришга асос бўладиган гаплар шу.

Мен Германияни давлат сифатида тугатиш ёки Германиянинг асосий саноат манба'ларини йўқ қилиб, уни зироатчилик мамлакати ҳолида қолдириш йўлини тутиш жаҳон хўжалиги манфаатлари ва Европадаги осойишталик манфаатлари нуқтаий назаридан нотўғри бўлар эди деб ҳисоблайман.

Бундай йўл Европанинг экономикасига путур етказган бўлур, жаҳон хўжалигини изидан чиқарган бўлур ва Германияда доимий-сиёсий танглик туғдирган бўлур эди. Бу тангликнинг оқибатлари тинчликни ва осойишталикни хавф остида қолдирган бўлур эди.

Мен, ҳатто бундай йўлни қабул қилганимизда ҳам, тарихий тараққиёт, провардида, ҳаётий бўлмаган бундай пуч йўлдан мутлақо воз кечишимизга мажбур этар эди, деб ўйлайман.

Шу сабаблан менинг фикримча, вазифа — Германияни йўқ қилиб юборишдан иборат эмас, балки уни демократик ва сулҳпарвар давлатга айлантиришдан иборат. Бу давлат қишлоқ хўжалиги блан бирга ўз саноатига, ташқи савдосига ҳам эга бўлиши керак. Аммо, у агрессив куч сифатида яна бош кўтаришига имкон берадиган хўжалик ва ҳарбий имкониятлардан маҳрум этилган бўлиши шарт.

Иттифоқчилар уруш йилларидаёқ, немис халқини йўқ қилиш ниятида эмасмиз, деган эдилар. Қутирган Гитлер Россияни йўқ қилиб ташлашни истайман деб дангал гапирган вақтда ҳам Совет Ҳукуматининг Бошлиғи И. В. Сталин мақтаниб айтилган бу ахмақона гаплардан кулиб, бундай деган эди: «Россияни йўқотиш мумкин бўлмагани каби Германияни ҳам йўқотиб бўлмайди. Аммо, титлерчилар давлатини йўқотиш мумкин ва керак» деган эди.

Германия кўпданок жаҳон хўжалик системасида муҳим ўрин олиб келди. Германия агона давлат ҳолида қолиши блан бундан кейин ҳам жаҳон савдосида муҳим омил бўладики, бу бошқа халқларнинг манфаатларига ҳам муносибдир. Иккинчи томондан, Германияни давлат сифатида йўқотиш ёки уни зроат мамлакатига айлантириш йўли ва унинг асосий саноат марказларини тугатиш йўли Германияни ўч олишга ҳаракат қилдирган хавфли бир манба'га айлантиради, герман реакциясига кўл келади ва Европани осойишталик ҳамда тинчлик маҳрум этади.

Орқага эмас, балки олга қараш керак ва қандай қилиб Германияни қишлоқ хўжалиги, саноати ва ташқи савдоси ривожланган, аммо агрессив куч сифатида яна тикланиш имкониятидан маҳрум бўлган демократик ва сулҳпарвар давлатга айлантириш тўғрисида ҳаракат қилмоқ керак. Германия устидан қозонилган ғалаба бу мақсадга эришмоғимиз учун кучли восита бўлади. Бизнинг вазифамиз — бу воситадан тўла фойдаланишдир.

Кейинги вақтларда Германияни алоҳида «автоном» давлатларга бўлиб юбориш тўғрисида, Германияни федерацияли мамлакат қилиш, Рурни Германиядан ажратиб олиш ҳақида гапириш расм бўлиб қолди. Бундай таклифлар Германияни йўқ қилиш ва уни зироатчилик мамлакатига айлантириш тўғрисидаги фикрларга асосланади, чунки Рур бўлмаса, Германия мустақил ва ҳаётга қобил давлат бўлиб яшай олмаслигини тушиниш қийин эмас. Агар биз тинчлик ва осойишталик манфаатларини қадрлар эканмиз, Германияни тугатиш бизнинг вазифамиз бўлмаслиги кераклиги ҳақида юқорида гапириб ўтдик.

Герман халқи бутун Германияда ўтказиладиган умумий овозга қўйиш натижасида Германияни федерацияли давлатга айлантиришни ёқлайдиган бўлса, ёки илгариги айрим герман давлатларида ўтказиладиган умумий овозга қўйиш натижасида Германиядан ажралиб чиқишни ёқлайдиган бўлса, у ҳолда бизлар бунга ҳеч қандай э'тироз билдираолмаймиз, албатта.

Ҳозирги вақтда Германиянинг ҳарбий оккупация доираларида бўлган иттифоқчи ма'мурлар Германияни федерацияли давлатга айлантириш тўғрисидаги фикрларни кўп вақт қувватламоқдалар. Аммо, иттифоқчи ма'мурларнинг тутган йўли блан герман халқининг чин истаги ёки Германия территориясидаги ҳарбир қисмда яшовчи аҳолининг чин истаги бир эмас. Биз, совет кишилари, герман халқини бу масалада бирор фикрни қабул қилишга мажбур этиш тўғри бўлмайди деб ҳисоблаймиз. Бирор фикрни қабул қилишга герман халқини мажбур этишдан барибир ҳеч қандай яхши натижа келиб чиқмайди, ақалли шунинг учун ҳам яхши натижа келиб чиқмайдики, бундай йўл пуч йўлдир.

Модомики, герман халқининг ўз давлатини демократик асосларда тиклаш йўлидаги қонуний интилишларига халақит бермаслигимиз лозим экан, бу ҳолда, иккинчи томондан, Германиянинг агрессив куч сифатида тикланишига йўл қўймаслик вазифаси бизнинг зиммамизга юкланади. Бутун дун'ё халқлари олдидаги бу мураддас бурчимизни унутиб қўйиш жиноят бўлур эди.

Дун'ёни Германия томонидан эҳтимол тутилган агрессия хавфидан халос қилмоқ учун уни ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила қуролсизлантириш зарур. Шу блан бирга, Рур областига келганда, бу ерда тўрт давлат вакилларидан иборат контроль уюштирилиши керак. Бу иттифоқчиларарo контроль Германияга ҳарбий саноатнинг яна тикланишига йўл қўймаслиги лозим.

Германияни ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила қуролсизлантириш программаси қандайлар янги бир программа эмас. Берлин конференциясининг қарорларида бу тўғрида батафсил гапирилган. Германия ҳарбий саноатининг асосий негизи бўлмиш Рур области асосий иттифоқчи давлатлар томонидан пухта контроль қилиб тўрилиши лозим, албатта. Репарация плани ҳам Германияни ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила қуролсизлантириш вазифасига хизмат қилмоғи лозим. Совет Ҳукумати Берлин конференциясининг тегишли қарорини бажаришни кўп марта талаб қилганига қарамай, репарациялар планининг шу вақтгача тузилмаганлиги ва Рур областининг иттифоқчилар томонидан шу вақтгача контроль остига олинмаганлиги (Совет Ҳукумати буни бир йил илгариёқ талаб қилган эди) келажакда халқларнинг тинч ва хавф-хатарсиз яшовини та'миплаш нуқтаий назаридан хавфли бир ҳолдир. Биз бу вазифаларнинг бажарилишини оз-тиқ кечиктириш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз, бу вазифаларнинг бажарилиши кечиктирилса, Германияни ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан тамомила қуролсизлантириш тўғрисидаги қарорнинг бажарилмай қолиш хавфи бор.

Германия ҳарбий саноати ва унинг ҳарбий имкониятлари тўғрисида Совет Ҳукуматининг фикри шундан иборат. Бу мулоҳазалар Германияда тинч давр эҳтиёжлари учун ишлайдиган саноатни ривожлантиришга халақит бермайди.

Германияда тинч давр эҳтиёжлари учун ишлайдиган саноатнинг ривожланиши Германиянинг кўмири, метали ва буюмларига муҳтож бўлган бошқа халқларга ҳам фойда келтираолиши учун Германияга бошқа мамлакатларга мол чиқариш ва улардан мол келтириш ҳуқуқини бериш керак. Ташқи савдо соҳасида Германияга шу ҳуқуқ берилган тақдирда, биз Германияда тинч давр учун керакли пўлат, тошкўмир ва саноат буюмларининг, албатта, ма'лум даражагача кўпроқ чиқарилишига тўсқинлик қилмаслигимиз керак, шу блан бирга Германия саноати ва шу жумладан Рур саноати иттифоқчилар контроли остида бўлиши шарт.

Германиядаги Контроль Кенгаши яқинда Германия саноатининг яқин йиллар ичида қай даражада ривожланиши лозимлигини кўрсатиб берганлиги ма'лум. Германия ҳали бу даражага етган эмас. Лекин шунга қарамай, ҳозирги вақтда шуни э'тироф қилиш керакки, Германияда тинч давр эҳтиёжлари учун ишлайдиган саноатнинг янада кенгроқ ривожланишига имконият берилиши керак. Бу саноат тараққиёти ҳақиқатан ҳам герман халқининг тинч даврдаги эҳтиёжларини та'мин этиши ва бошқа мамлакатлар блан бўладиган савдо-сотиқни кучайтириш учун хизмат қилиши шарт. Бу ҳол герман саноати ва жумладан Рур саноати иттифоқчилар контролида бўлишини талаб этади. Бу саноат учун жавобгарликни иттифоқчи мамлакатлардан биттасигагина топшириб қўйиб бўлмайди. Германияда тинч давр эҳтиёжлари учун ишлайдиган саноатни ривожлантиришни ва Германиянинг ташқи савдосини кучайтиришни кўзда тутадиган муносиб программанинг қабул қилиниши, шунингдек бутун Германия саноатининг иттифоқчилар назоратига олиниши Берлин конференциясининг Германия иқтисодий жиҳатдан бутун бир мамлакат деб қаралиши керак, деб чиқарган қарорларига мувофиқдир.

Энди, Германия блан тузиладиган сулҳ шартномаси тўғрисида гапираман.

Биз, Германия блан сулҳ шартномаси тузишга асосан тарафдормиз, албатта. Аммо, бундай шартномани тузишдан аввал ягона герман ҳукуматини тузиш керак, бу ҳукумат Германиядаги фашизмнинг ҳамма қолдиқларини йўқ қилдиладиган демократик ҳукумат бўлсин ва иттифоқчиларга нисбатан ўз устларига олган ҳамма мажбуриятларини, шу жумладан, айниқса иттифоқчиларга репарация юзасидан мол етказиб беришга ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш учун тўла жавобгар ҳукумат бўлсин. Келажакда Германия ҳукуматини тузишда ўткинчи бир чора сифатида марказий герман ма'муриятини тузишга қарши, албатта, э'тироз билдирмаймиз.

Юқорида айтилган гаплардан шундай хулоса келиб чиқадики, Германия блан тузиладиган сулҳ шартномаси тўғрисида гапиришдан аввал умум герман ҳукуматини тузиш масаласини ҳал этиш зарур, шу вақтгача бирорга марказлаштирилган герман ма'мурияти тузилган эмас. Ҳолбуки, Совет Ҳукумати бундан бир йил муқаддам Берлин конференциясида бу масалани ўртага қўйган эди. Аммо, ўша вақтда бу масала кечиктирилган экан, эндиликда у Германиянинг келажакдаги ҳукуматини тузиш йўлидаги биринчи қадам сифатида айниқса муҳимдир. Аммо, Германия ҳукумати тузилганида ҳам Германиянинг янги ҳукумати қандай ҳукумат эканлигини ва ишончга сазоворми ё йўқми эканлигини текшириш учун бирнеча йил керак бўлади.

Германиянинг келгусидаги ҳукумати шундай демократик ҳукумат бўлиши керакки, у Германияда фашизм қолдиқларини батамом йўқота олсин ва шу блан бирга Германиянинг иттифоқчиларга нисбатан олган мажбуриятларини бажара олсин, шу жумладан ва даставвал репарация йўли блан иттифоқчиларга мол етказиб бериш мажбуриятининг бажарилишини та'мин этсин. Германиянинг янги ҳукумати бу вазифаларни бажаришга қодир эканлиги тўғрисида ва бу вазифаларни виждонан амалга ошираётганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилинганидан кейингина, Германия блан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисида жиддий гапириш мумкин. Бусиз Германия сулҳ шартномаси тузишни талаб қилаолмайди, иттифоқчи давлатлар эса мустаҳкам тинчлик ва хавфсизлик бўлишини талаб этаётган халқларга нисбатан ўз мажбуриятларимизни бажардик деб айта олмайдилар.

Германияга доир асосий масалалар ҳақида ва Германия блан тузиладиган сулҳ шартномаси масаласида Совет Иттифоқининг фикри шундан иборат.

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони

(ҚЎЗҒОЛОННИНГ 30 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН ТЕЗИСЛАР)

I. Кириш

Ў. Ўзбек халқи бундан ўттиз йил муқаддам, 1916 йил июль ойида чор ҳукуматининг «бегона халқлар»ни фронт орқасидаги ҳарбий ишларга — мардикорликка олиш тўғрисидаги фармонига жавобан Ўрта Осиёдаги мазлум халқлар ўртасида биринчи бўлиб чирик Россия чоризмига қарши қўзғолон кўтарди.

Ўзбек халқи кетидан Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон меҳнаткашлари ҳам қўзғолон қилдилар; Заволжье халқлари ҳам чоризмга қарши кураш бошладилар. Ўзбек халқ оммасининг қўзғолони Ўрта Осиёдаги мазлум халқларнинг, чунончи қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, тожикларнинг рус империализми зулмига қарши олиб борган умумий курашининг таркибий қисми бўлди.

2. 1916 йил қўзғолони бошқа жойлардаги қўзғолонлар блан боғланмаган алоҳида бир қўзғолон эмас эди. У империализм давридаги умумий миллий мустамлака ҳаракатининг бир қисми бўлди.

Ленин бундай деб ёзган эди:

«...Империализм кризиси **муносабати блан** миллий қўзғолонларнинг ўчўнлари мустамлакаларда ҳам, Европада ҳам пайдо бўлди» (Асарлар, XIX том, 268-нчи бет).

Биринчи жаҳон урушининг дастлабки йилларидаёқ Синганурда ҳинд аскарлари қўзғолон қилди, шундан кейин эса Ирландия халқи бош кўтарди. Инглиз империалистлари бу қўзғолонларни шафқатсизлик блан бостирдилар. Франция қўл остидаги Аннамада ва немислар қўл остидаги Камерунда ҳам қўзғолон кўтариш йўлида ҳаракат бўлди.

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони жаҳон империализми кризисга учраган даврда бўлди. Бу қўзғолон ана шу кризиснинг муҳим ифодаси, халқаро пролетар революциясининг йўлидаги умумий ҳаракатнинг таркибий қисми бўлган кучли миллий-озодлик ҳаракати ва мустамлакалардаги революцияларнинг дарахчиларидан бири бўлди.

«Европада социалистик революция барча ва ҳарқандай мазлумлар ва порози халқлар оммавий курашининг иштирошисиз ўтиши **мумкин эмас**» (Ленин, Асарлар, XIX том, 269-нчи бет).

3. 1916 йил қўзғолони чор Россиясида кучайиб борган инқилобий кризисдан дарак берди. Бу қўзғолон ўз характери эътибори блан Ўзбекистонда рус империализмининг ҳукмронлигига қарши олиб борилган миллий-озодлик уруши бўлди. Рус империализми Ўзбекистонда ўзбек халқини миллий қулликка солиш системасини, меҳнаткашлар оммасини ваҳшиёна эксплоатация қилиш системасини яратган эди. Шу блан бирга Ў қўзғолон чор ма'мурияти ҳамда рус капиталистлари блан иноқлашиб кетган эксплоататор, феодал-бойларга ҳам қарши бўлган қўзғолон эди.

4. Чоризм қулликка солинган халқларни эзди ва уларни бир-бирларидан ажратди. Аммо, рус халқининг энг яхши намояндалари подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқдилар. Рус жамиятининг илғор арбоблари Россияда яшовчи барча миллатларни доим ҳурмат қилиш принципини илгари сурдилар ва уларни чоризмга қарши курашга отлантирдилар.

Ўзбекистон халқ оммаси рус ишчилар синфининг ва большевиклар партиясининг чоризм усул идорасига қарши олиб борган қаҳрамонона курашини эўр эътибор ва буюк ишонч блан кузатиб турдилар.

Ўзбек халқи ўзини эзучи золимларга қарши олиб борган курашида улуғ рус халқининг инқилобий ан'аналаридан намуна олди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида «большевиклар, пролетар революциясини авж олдириш ва империализмни қуршаб олиш манфаатларини кўзда тутиб, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи негизида, мазлум миллатларнинг ва мустамлакаларнинг инқилобий озодлик ҳаракатини қувватлаш сиёсатини амалга оширишни таклиф қилдилар ва илғор мамлакатларнинг пролетар революцияси блан мустамлака ва эзилган мамлакат халқларининг инқилобий озодлик ҳаракати ўртасида бирлашган фронт тузиш йўлини илгари сурдилар» (**Сталин**, «Ленинизм масалалари», XI нашри, 354-нчи бет).

Ленин-Сталининг миллий масала ҳақидаги та'лимоти мазлум миллат меҳнаткашлар оммасини ма'навий жиҳатдан қуроллантирди ва бирлаштирди. Партия курашнинг мақсад ва йўлларини кўрсатиб берди, халқларнинг озодлик йўлидаги курашида уларнинг содиқ ва ишончли раҳбари бўлди.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда миллий-озодлик ҳаракатининг вужудга келиши ва тараққий этиши учун замин тайёрлади.

Меҳнаткаш деҳқонларнинг аҳволи айниқса оғир эди. Деҳқонларнинг қаттиқ эксплоатация қилиниши қишлоқ хўжалигида ишлабчиқариш кучларининг ўсишига зарба берди ва қишлоқ хўжалигини вайрон қилди. Революциядан илгариги Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги жуда қолоқ эди, қишлоқ хўжалигида юз мингларча омоч ва от қўшиладиган атиги юзта темир плуг бор эди.

Ер каби сув ҳам мустамлакачилар, хонлар ва бойлар қўлида эди. Сув халқни эксплоатация қилиш ва қулликка солишда қоят кучли бир восита бўлди.

Ўзбекистон қишлоқларидаги деҳқонларнинг жуда кўпчилиги қаншоқлақди, чунки ер ҳамда ишлабчиқариш асбоблари бир тўда феодаллар, бойлар ҳамда қулоқлар қўлига тўплана борди. Маҳсулдор ерларнинг учдан икки қисми ва бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тўртдан уч қисми бойлар ҳамда қулоқлар ихтиёрида эди. Бир миллион 200 мингдан ортиқ киши (ёки аҳолининг 65 проценти) ерсиз батрак ва камбағаллар бўлиб, булар жуда ҳам қашшоқ ҳолда яшар эдилар.

5. Ўтмишда Алишер Навоий ва бошқалар каби буюк олим, ёзучи ва мутафаккирларни етиштирган Ўзбек халқи чоризм даврида ёпиқасига саводсиз бўлиб қолаберди.

«Чоризм оммани жаҳолатда сақлаш учун маҳаллий мактаб, театр, маориф муассасаларига йўл бермади, ба'зи жойларда эса буларни тўғридан-тўғри ёпиб қўйди». (**И. Сталин**. Марксизм ва миллий-мустамлака масаласи, 1939 йил нашри, 81-82-нчи бетлар).

Чоризм Ўрта Осиё халқларининг миллий давлати бўлишига ва маданиятининг юксалишига йўл қўймади. Ўрта Осиёда маҳаллий тилда ишловчи идоралар ва маданий муассасалар йўқ эди. Чоризм халқни тоби' ва мискин ҳолда сақлаш учун жаҳолат ва қолоқликни авж олдирди, мактаб, театрлар ва бошқа ҳарқандай маориф муассасаларини очишни тақиқлади. Ўзбек халқининг кўп деганда икки процентигина саводли эди. Халқ маорифи эҳтиёжларига жуда кам пул сарф қилинар эди. Масалан, 1900 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг атиги 3,5 проценти халқ маорифи ишларига ажратилган бўлса, ҳарбий-полиция маҳкамаларининг эҳтиёжларига бюджетнинг 80 проценти сарф қилинди.

6. Ўзбек халқининг икки томондан қул қилиниши ва эзилиши унинг қаншоқлигига, қирилишига сабаб бўлди. Халқ бу зулмга қарши норозилик билдирди ва зулм, истибдодга қарши курашди. Бу табиий бир ҳол эди.

«Икки томонлан бўлган зулм мазлум миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини инқилобийлаштирмасдан, уларни курашга жалб этмасдан қўймайди...» (**И. Сталин**. Октябрь революцияси тўғрисида, 1932 йил нашри, 31-нчи бет).

Ўзбек халқи ўзини эзган золимларга қарши кўп марта бош кўтарди. Халқ ўртасида миллий-мустамлака зулмига ва эксплоатацияга қарши бўлган ғалаёнлар кучайиб, очиқдан-очиқ катта ва кичик қўзғолонларга айланди. Бу қўзғолонлар ўртасида айниқса қуйидаги қўзғолонлар диққатга сазоворидир. 1892 йилда Тошкент шаҳрининг камбағаллари чор ма'мурларига қарши чиқдилар. Бу ҳаракат «вабо ис'ёни» деган ном блан ма'лум; 1898 йилда Андижонда қўзғолон бўлди; 1910 йилда Бухоро халқ оммаси амирга қарши ис'ён кўтарди. Ниҳоят, биринчи жаҳон уруши вақтида, 1916 йилда Ўзбекистон меҳнаткашлар оммаси рус чоризмига қарши кенг миқ'ёсда қўзғолон қилди.

7. Биринчи жаҳон уруши қишлоқ хўжалигининг, айниқса пахтачиликнинг таназзулига сабаб бўлди. 1914 йилда 567 минг десятина пахта майдони бор эди. 1916 йилда пахта майдони 714 минг десятинага етган бўлса ҳам пахта ҳосили жуда камайиб кетди. 1915 йилда 20,5 миллион пуд пахта олинган бўлса, 1916 йилда атиги 15 миллион пуд пахта олинди. Чорва моллари сони жуда камайди.

1915 йилда Москвадаги ғазлама фабрикантлари ва савдо фирмалари банклар блан биргаликда пахтакорларнинг топширадиган пахтасига «нормалаштириладиган» жуда паст нарх белгиладилар. 1916 йилнинг кўкламида деҳқонлар чигит экишдан воз кеча бошладилар. Пахтакорлар орасида кучли ғалаён бошланди. От ва чорва моллларининг уруш эҳтиёжларига олиниши деҳқон хўжалигини янада кўпроқ заифлаштирди.

Ўзбек халқи ўз даромадининг ўндан бир қисми миқдорида ҳарбий солиқ тўлашдан ташқари яна бошқа ҳархил солиқ ва улпонлар тўлашга мажбур этилди.

Вайрончилик саноатга ҳам ёмон та'сир қилди. Ўлканинг саноати ва транспорти ёқилғи, хомаш'ё ва ишчи кучларга қоят муҳтож эди. Айни замонда пулнинг қадри ҳам тушиб кетди: кенг исте'мол молларининг баҳоси 300—400 процент ошди; озиқ-овқат маҳсулотлари блан спекуляция қилиш авж олди.

Мамлакатда миллий ва синфий қарама-қаршиликлар янада кескинлашди. Қимматчилик ва озиқ-овқатнинг етишмаслиги орқасида 1916 йилнинг бошида шаҳар ишчилари ва меҳнаткашлари қаттиқ норозилик билдирдилар. Подшо армиясининг фронтда енгилиши ва мамлакатдаги ҳаробгарчиликнинг авж олиши чоризмга ва унинг ҳукуматига қарши нафрат ва ғазабни кучайтирди, марказда ҳам, чекка ўлкаларда ҳам инқилобий ҳаракатни кучайтириб юборди.

II. Қўзғолон сабаблари

1. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон рус чоризмининг мустамлакасига айлантирилган эди. Бутун ҳокимият ҳарбий генерал-губернатор ихтиёрида эди. Хива ва Бухорода феодал мустабидлар — рус императорининг вассаллари — Хива хони ва Бухоро амири ҳукм сурар эди. Чор ҳукумати халқни эксплоатация қилиш ва эзиш учун энг қулай шароит вужудга келтириш мақсадида Ўзбек ерларини бир-биридан ажратиб юборди. Бунинг натижасида ўзбеклар бир миллат бўлиб ўюшаолмадилар.

Ҳарбий-феодал империализмнинг ҳукмронлиги Ўзбекистонда ишлабчиқариш кучларининг ўсишига халақит берди, ўзбек халқининг моддий ва маданий тараққиётига тўсқинлик қилди, ўзбек халқини қаншоқлик, очликка ва қириб битишга маҳкум этди.

2. Ленин чор Россиясини «халқлар турмаси» деб атаган эди. Чоризм даврида барча меҳнаткашларнинг аҳволи оғир эди, рус бўлмаган миллатларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг аҳволи айниқса мушкул эди.

«Чор Россиясидаги жуда кўп рус бўлмаган халқлар тамомила ҳуқуқсиз эдилар, улар доим таҳқир этилар ва ерга урилар эди» («ВКП(б) тарихи қисқа курси» 6-нчи бет).

Рус меҳнаткашлари фойдаланган жуз'ий ва аҳамиятсиз ҳуқуқлардан ҳам ўзбеклар маҳрум этилган эди. Бунинг натижасида ўзбек халқи Россия империясидаги энг мазлум паст «табақа»га, ҳуқуксиз қулларга айлантирилди.

Туркистоннинг вилоят ва районлари чор қўшинлари, рус жандармлари ва амалдорлари блан тўлдирилди. Давлат идораларида рус амалдорлари ишлар эдилар, маҳкама ва суд идораларидаги ишлар рус тилида олиб борилар эди. Чоризмнинг ҳарбий -бюрократик аппарати жойларда, «бўйсундирилганлар» блан бевосита алоқа қилинадиган жойларда маҳаллий кишилар—волость ҳокимлари, оқсоқоллар, қозилар, мингбошилардан иборат ма'муриятга таянарди. Булар феодал ва бойлардан «сайланар» эди.

3. Чор ҳукумати марказий Россиядаги помещчикларнинг ер мулкини деҳқонларнинг босиб олишидан сақлаш мақсадида, русларни Ўзбекистонга кўчириб жойлаштиришга катта э'тибор қилди:

«Чоризм маҳаллий кишиларни бараксиз районларга суриб чиқариш ва миллий низо'ни кучайтириш мақсадида, мустамлакачи унсурларни чекка ўлкаларнинг энг маҳсулдор бурчакларига қасдан кўчириб жойлаштирди» (**И. Сталин**. Марксизм ва миллий-мустамлака масаласи, 1939 йил нашри, 81-нчи бет).

Офицерлар, помещчиклар, қулоқлар деҳқонларнинг энг яхши ерларини тортиб олдилар. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида кам деганда бир миллион десятина ер маҳаллий деҳқонлардан тортиб олиниб, кўчириб келтирилган кишиларга (муҳожирларга) берилди.

Кўчириб келтирилганларнинг энг яхши ерлар блан та'мин этилган, чор ма'муриятининг ҳомиидан ёрдам ва мадад олган катта бир қисми тез орада текинхўр қулоқларга ва чоризмнинг таянчига айланди.

4. Чоризм ҳарбий жиҳатдан эзиш ва талончилик қилиш блан бирга мамлакатни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволда қолдирди. Рус помещчиклари, савдогарлари ва фабрикантлари маҳаллий эксплоататорлар — чистачилар, комиссионерлар, пахта сотиб олучилар ва судхўрлар блан иттифоқ бўлиб, ўлканинг халқ хўжалигини таладилар, жуда кўп бойлик тўпладилар. Бу бойлик Ўзбекистоннинг кенг меҳнаткашлар оммасини янада қаттиқроқ эзиш учун бир восита бўлди. Мустамлакачи унсурларнинг кўчириб жойлаштирилиши натижасида маҳаллий аҳолига солинган солиқлар миқдори 4-5 марта, айрим жойларда эса 15 марта кўпайди.

Ишлабчиқариш кучларининг, маданиятнинг тараққиётига халақит берилди, хўжаликнинг капитализмгача бўлган шакллари ва эксплоатация методлари сақлаб қолинди, бутун халқ жўжалигида эски техника сақлаб қолинди. Бу ҳол халқ хўжалигини ғоят қийин аҳволда қолдирди.

«Чоризм чекка ўлкаларда оммани қуллик ва жаҳолатда сақлаш учун қасдан патриархал-феодал зулмни кучайтирди» (**И. Сталин**, Марксизм ва миллий-мустамлака масаласи, 1939 йил нашри, 81-нчи бет).

Чор ҳукумати рус капиталистларининг манфаатини кўзда тутиб, Ўзбекистонни Россияда тараққий этиб борган тўқимачилик саноати учун пахта ва бошқа хомаш'ёлар етказиб беручи ўлкага айлантирди ва хўжалик ишларида капитализмгача бўлган методларни сақлаб қолди. Чоризм Ўзбекистоннинг бутун халқ хўжалиги тараққиётини шу вазифага буйсундирди ва Ўзбекистонни метрополия учун хомаш'ё етказиб беручи деҳқончилик мамлакатига айлантирди.

Ўзбекистонда саноат эндигина пайдо бўлмоқда эди. Рус помещчиклари ва империалистик буржуазия ўз мустамлакаларида саноатнинг тараққиётига қасддан тўсқинлик қиллилар. 1913 йилда саноат маҳсулотининг халқ хўжалигидаги салмоғи фақат 30 процент эди, ҳолбуки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салмоғи 70 процентдан ортиқ эди. Империализм Ўзбекистондан мустамлака сифатида фойдаланиб, бу ўлкада темир йўллар, фабрика ва заводлар қуришга, асосан пахта заводлари қуришга мажбур бўлди. Ўзбеклар орасидан маҳаллий пролетариат етишди, маҳаллий интеллигенция пайдо бўлди, халқнинг миллий онги ўса бошлади.

III. Қўзғолоннинг характери ва уни ҳаракатга келтирган кучлар

1. 1916 йилдаги миллий-озодлик қўзғолонида камбағал-ўрта ҳол деҳқонлар ва шаҳар камбағаллари ҳаракатга келтиручи асосий куч бўлдилар. Қўзғолонда қишлоқ хўжалик ишчилари, батраклар, темир йўллардаги, пахта тозалаш заводларидаги Ўзбек ишчилар, Тошкент шаҳар трамвайнинг ишчилари ва матбаа ишчилари қатнашдилар.

Ўзбек интеллигенциясининг илғор қисми қўзғолончилар томонида туриб, қўзғолонда қатнашди. Ўзбек интеллигенциясининг шу илғор қисми Ўзбекистонни демократлаштириш ва маданий жиҳатдан тараққий этдириш йўлида асосий ғоя бўлган миллий-мустамлака зулмини ва феодализм мунасабатларини тугатишга ҳаракат қилди.

1916 йил қўзғолони империализмга, феодализмга қарши инқилобий қўзғолон ва миллий озоддик йўлидаги қўзғолон бўлди.

2. Маҳаллий феодаллар, бойлар, руҳонийлар 1916 йил қўзғолонида халққа қарши чиқдилар. Жадидлар ҳам чоризм томонида бўлиб қўзғолончи халққа қарши курашдилар. Улар оммавий-инқилобий ҳаракатдан реакцияга қараганда кўпроқ қўрқар эдилар. Улар халқ оммасини мардикор олишда қатнашишга чақирдилар, мардикор олучи комитетларни тузишда иштирок қилдилар, бу комитетларнинг ишларига етакчилик қилдилар, фронт орқасидаги ҳарбий ишларни бажариш учун мардикор олиш мақсадида матбуот орқали ва оғзаки агитация ҳамда пропаганда ишларини қизиқтириб юбордилар.

Ўзбекистоннинг айрим районларида (Жиззах уездида) маҳаллий феодаллар ва руҳонийлар қўзғолон қилган халққа суқулишга ва қўзғолонни барча руслларга қарши муқаддас уруш (ғазоват) деган тескарича шиор остида ўтказишга урилдилар. Аммо, уларнинг бу уринишни Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртасидаги миллий озодлик ҳаракатининг характери ва мақсадларига тамомила зид эди.

3. 1916 йилги миллий-озодлик қўзғолони маҳаллий халқнинг оммавий ҳаракати шаклини олди. Халқ мардикорликка олинганда ва ярадорлар бўлди. 5 июльда Курапаткино станциясида ва Ургут қишлоғида ҳам шундай тўқиниш бўлди. Ургут қишлоғида 2 мингга яқин деҳқон волость маҳкамасини олғоқ-долғоқ қилдилар, рўйхатларни йўқ қилдилар ва эллиқбошиларни ва мирзани калтакладилар.

11 июльда Тошкент камбағаллари ва ишчилари қўзғолон қилдилар. Мингминглаб оломон полиция маҳкамаси ёнига тўпланди. Қўзғолончилар орасида аёллар ҳам кўп эди. Булар ғазаб блан: «Мардикорликка одам берганимиздан кўра ўлганимиз яхши!» деб кичқирдилар. Кекса бир ўзбек аёли Рузвонбиби Аҳмаджонова паранжисини ташлаб: «Ўғлимни мардикорликка олганингиздан кўра, мени ўлдирганингиз яхшироқ!» деб кичқирди. Қўзғолончилар блан чор аскарлари ўртасида қуролли тўқиниш бўлди. Бирнеча киши ўлди ва ярадор бўлди. Ўлганлар орасида Рузвонбиби Аҳмаджонова ҳам бор эди. Тошкентдаги қўзғолон Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар, район ва вилоятларида ҳам халқ қўзғолонининг кучайишига ва кенгайишига сабаб бўлди. Бош ҳарбий прокурор ёрдамчисининг сўзига қараганда, «Ўша вақтда Тошкентга бошқа жойлардан вакиллар келган эди. Булар мардикор бериш ёки бермаслик тўғрисида тошкентлиларнинг фикрини билмоқчи эдилар. Бу вакиллар тошкентлиларнинг фикрини тез орада ҳамма жойга ма'лум қиллилар ва шу кундан бошлаб Фарғона, Сирдар'ё ҳамда Самарқанд вилоятларининг уездларида тартибсизликлар авж олди». Қўзғолон тез ўсаборди. Бу қўзғолон июль ойининг Ўрталарида Фарғона вилоятининг Андижон, Скобелев ва Паманган уездларида айниқса кенг ёйилди.

Бу уездларда 8 июльдан 18 июльгача 39 марта қўзғолон бўлди. Қўзғолончилар волость маҳкамаларини олғоқ-долғоқ қилдилар, сафарбар қилинадиган кишиларнинг рўйхатларини йиртиб ташлидилар, кўп жойда волость қоқиларини, полициячиларни, оқсоқолларни ва бошқа амалдорларни ўлдирдилар, ба'зи жойларда эса бойларни ва сутхўрларни ўлдирдилар, вексель, васиқаларни ва бошқа шундай ҳужжатларни олишиб, йиртиб ташладилар.

4. Жиззах шаҳри ва Жиззах уезди меҳнаткашларининг қўзғолони миллий-озодлик ҳаракатининг баланд чўққиси бўлди.

Жиззах авваллақ катта савдо маркази эди. Тошкент, Фарғона водиси ва Бухоро блан Жиззах ўртасида карвон йўли бор эди. Жиззахнинг атрофидаги бирқанча волостьлар, чунончи Фориш, Нурота, Зомин, Бағдод районлари, шунингдек Қозоғистоннинг жанубидаги районлар ва бошқа жойлар савдо маркази бўлган Жиззах блан алоқа қилиб турар эдилар.

Жиззахда товар-пул муносабатлари жуда ривожланган эди, бунда савдо буржуазиясининг анча кўп ҳаҳам гуруҳи бошқа жойларга қараганда анвалроқ пайдо бўлган эди, аҳолининг синфий табақаларга бўлиниши анча кучайган эди.

Жиззахдаги бу аҳвол чор ма'мурларининг э'тиборини ўзига жалб этди. Жиззахга ва Жиззах уездига кўпгина рус амалдорлари юборилди.

Чор мустамлакачилари маҳаллий деҳқонларнинг маҳсулдор ерларини тортиб олдилар, деҳқонларнинг ва чорвадорларнинг яйловлардан, ўрмонлардан ва айниқса экинни сугориш учун керакли сувдан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаилар.

Уруш йилларида уруш эҳтиёжлари учун Жиззах уездидан кўп ғалла ва чорва моллари олдилар. Қайси жойдан ва қанча мардикор олиш масаласида пахтакор районларга қараганда Жиззах уездига кўпроқ талаб қўйилди.

Жиззах уездидаги қўзғолон кенг омма қатнашган ва уюшқоқлик блан ўтган қўзғолон бўлди. Бу қўзғолон чор ма'мурлари учун кутилмаган бир ҳол бўлди. Улар ғаллакор районларга, жумладан Жиззах уезлига қараганда пахтакор районларга кўпроқ э'тибор берар эдилар. Қўзғолон бутун уезга ёйилиб деса бўлади. Жиззах қўзғолони 1916 йилнинг 13 июлидан 25 июлигача давом этди. Жиззах шаҳрининг қўзғолон қилган мингларча меҳнаткашлари 13 июльда Жиззахнинг бутун эски шаҳрини ишғол қилдилар ва янги шаҳарга қараб йўл олдилар. Улар йўлда уезд бошлиғи полковник Рукинни қуролли аскарлари блан учратдилар. Қўзғолончилар: «Мардикорликка одам бермаймиз!» деб қичқирдилар ва Рукинни ўлдирдилар ҳамда унинг ёнидаги соқчиларнинг ҳаммасини қириб ташладилар.

Милтиқ, ов милтиқлари, қилич ва таёқлар блан қуролланган қўзғолончилар Жиззах станциясига бордилар, почта-телеграф симларини узидилар, нефть солинган идишларни ёндириб юборилар ва станцияни тор-мор қилдилар. Ломакино ва Обручева станцияларига ҳужум қилинди. Жиззах блан Урсатьевск ўртасида поездлар қатнамай қўйди.

Жиззах кетидан Зомин ва Бағдод волостьларида қўзғолон бошланди. Бу волостьларда Бухоро бегининг ўғли Абдураҳмон Жовачи ва эшон Назирхўжа Абдусаломовлар қўзғолонга раҳбарликни ўз қўлларига олдилар. Булар ўзларини бек деб э'лон қилдилар.

Туркистон генерал-губернатори қўзғолончиларга қарши курашиш учун Жиззах уездига жазо отряди юборди. Жиззах уездига 13 рота аскар, 6 тўп, казак ва сапёрлардан иборат уч отряд юборилган эди. Жазо отряди Зомин ва Бағдод халқидан шафқатсиз ўч олди.

21 июльдан қўзғолончилар блан чор аскарлари ўртасида сўнгги тўқиниш бўлди. 4.000 дан ортиқ қўзғолончилар қаттиқ маглубиятга учрадилар ва ўз қишлоқларига тарқалиб кетдилар.

5. Чоризм Ўзбекистоннинг қўзғолон қилган меҳнаткашлар оммасини бостириш учун 14 батальон пиёда аскар, казаклардан иборат 3 отряд, 44 тўп ва 69 пулемёт юборди. 1916 йил қўзғолони муносабати блан 3.000 дан ортиқ киши судга берилди, буларнинг иши тезлик блан расмийлаштирилди. Сўроқ маҳалида қўзғолончиларни қаттиқ калтаклаб, «айбларини» иқрор қилишга мажбур этдилар. 347 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди. Қолганлари турли муддатлар блан каторга ишларига ва қамоққа ҳукм қилинди.

Чор ма'мурлари Жиззах уездидаги қўзғолончилардан айниқса шафқатсиз ўч олдилар: Жиззах шаҳридан 32 киши осишга ҳукм қилинди, деҳқонлардан икки минг десятинага яқин ер тортиб олинди, Жиззах шаҳрига ва бошқа катта қишлоқларнинг кўпига ўт қўйилди.

IV. Қўзғолоннинг бориши

1. Чор ҳукумати 25 июньда (эски ҳисоб блан) маҳаллий аҳолини фронт орқасидаги ҳарбий ишга мардикорликка олиш тўғрисида фармон чиқариши муносабати блан қўзғолон бошланди. 19 ёшдан тортиб 43 ёшгача бўлган жам'и 250 мингтача эркак сафарбар қилиниши лозим эди. Сирдар'ё вилоятида 87 минг, Самарқанд вилоятида 38 минг, Фарғона вилоятида 50 минг киши сафарбар қилиниши керак эди. Қўзғолон Сирдар'ё, Фарғона, Самарқанд вилоятларини ўз ичига олди.

2. Миллий-озодлик қўзғолони маҳаллий халқнинг оммавий ҳаракати шаклини олди. Халқ мардикорликка олинишнинг бекор қилинишини ва сафарбар қилинучиларнинг рўйхатларини йўқ қилишни талаб этди. Бу ҳаракат одатда кучайиб, қўзғолончиларнинг полиция блан ва чор қўшинлари блан қуролли тўқинишига айланди.

3. Бундай биринчи қўзғолон 4 июльда Самарқанд уезднинг Хўжанд шаҳрида (ҳозирги Ленинобод) бошланди. Шаҳар приставининг уйи ёнига тўпланган қўзғолончилар мардикорликка одам олишнинг бекор қилинишини, рўйхатларнинг йиртиб ташланишини талаб этдилар. Шу жойга етиб келган аскарлар блан икки ўртада тўқиниш юз берди. Икки ўртада ўлган ва ярадорлар бўлди. 5 июльда Курапаткино станциясида ва Ургут қишлоғида ҳам шундай тўқиниш бўлди. Ургут қишлоғида 2 мингга яқин деҳқон волость маҳкамасини олғоқ-долғоқ қилдилар, рўйхатларни йўқ қилдилар ва эллиқбошиларни ва мирзани калтакладилар.

11 июльда Тошкент камбағаллари ва ишчилари қўзғолон қилдилар. Мингминглаб оломон полиция маҳкамаси ёнига тўпланди. Қўзғолончилар орасида аёллар ҳам кўп эди. Булар ғазаб блан: «Мардикорликка одам берганимиздан кўра ўлганимиз яхши!» деб кичқирдилар. Кекса бир ўзбек аёли Рузвонбиби Аҳмаджонова паранжисини ташлаб: «Ўғлимни мардикорликка олганингиздан кўра, мени ўлдирганингиз яхшироқ!» деб кичқирди. Қўзғолончилар блан чор аскарлари ўртасида қуролли тўқиниш бўлди. Бирнеча киши ўлди ва ярадор бўлди. Ўлганлар орасида Рузвонбиби Аҳмаджонова ҳам бор эди. Тошкентдаги қўзғолон Ўзбекистоннинг бошқа шаҳар, район ва вилоятларида ҳам халқ қўзғолонининг кучайишига ва кенгайишига сабаб бўлди. Бош ҳарбий прокурор ёрдамчисининг сўзига қараганда, «Ўша вақтда Тошкентга бошқа жойлардан вакиллар келган эди. Булар мардикор бериш ёки бермаслик тўғрисида тошкентлиларнинг фикрини билмоқчи эдилар. Бу вакиллар тошкентлиларнинг фикрини тез орада ҳамма жойга ма'лум қиллилар ва шу кундан бошлаб Фарғона, Сирдар'ё ҳамда Самарқанд вилоятларининг уездларида тартибсизликлар авж олди». Қўзғолон тез ўсаборди. Бу қўзғолон июль ойининг Ўрталарида Фарғона вилоятининг Андижон, Скобелев ва Паманган уездларида айниқса кенг ёйилди.

Бу уездларда 8 июльдан 18 июльгача 39 марта қўзғолон бўлди. Қўзғолончилар волость маҳкамаларини олғоқ-долғоқ қилдилар, сафарбар қилинадиган кишиларнинг рўйхатларини йиртиб ташлидилар, кўп жойда волость қоқиларини, полициячиларни, оқсоқолларни ва бошқа амалдорларни ўлдирдилар, ба'зи жойларда эса бойларни ва сутхўрларни ўлдирдилар, вексель, васиқаларни ва бошқа шундай ҳужжатларни олишиб, йиртиб ташладилар.

4. Жиззах шаҳри ва Жиззах уезди меҳнаткашларининг қўзғолони миллий-озодлик ҳаракатининг баланд чўққиси бўлди.

Жиззах авваллақ катта савдо маркази эди. Тошкент, Фарғона водиси ва Бухоро блан Жиззах ўртасида карвон йўли бор эди. Жиззахнинг атрофидаги бирқанча волостьлар, чунончи Фориш, Нурота, Зомин, Бағдод районлари, шунингдек Қозоғистоннинг жанубидаги районлар ва бошқа жойлар савдо маркази бўлган Жиззах блан алоқа қилиб турар эдилар.

Жиззахда товар-пул муносабатлари жуда ривожланган эди, бунда савдо буржуазиясининг анча кўп ҳаҳам гуруҳи бошқа жойларга қараганда анвалроқ пайдо бўлган эди, аҳолининг синфий табақаларга бўлиниши анча кучайган эди.

Жиззахдаги бу аҳвол чор ма'мурларининг э'тиборини ўзига жалб этди. Жиззахга ва Жиззах уездига кўпгина рус амалдорлари юборилди.

Чор мустамлакачилари маҳаллий деҳқонларнинг маҳсулдор ерларини тортиб олдилар, деҳқонларнинг ва чорвадорларнинг яйловлардан, ўрмонлардан ва айниқса экинни сугориш учун керакли сувдан фойдаланиш ҳуқуқларини чеклаилар.

Уруш йилларида уруш эҳтиёжлари учун Жиззах уездидан кўп ғалла ва чорва моллари олдилар. Қайси жойдан ва қанча мардикор олиш масаласида пахтакор районларга қараганда Жиззах уездига кўпроқ талаб қўйилди.

Жиззах уездидаги қўзғолон кенг омма қатнашган ва уюшқоқлик блан ўтган қўзғолон бўлди. Бу қўзғолон чор ма'мурлари учун кутилмаган бир ҳол бўлди. Улар ғаллакор районларга, жумладан Жиззах уезлига қараганда пахтакор районларга кўпроқ э'тибор берар эдилар. Қўзғолон бутун уезга ёйилиб деса бўлади. Жиззах қўзғолони 1916 йилнинг 13 июлидан 25 июлигача давом этди. Жиззах шаҳрининг қўзғолон қилган мингларча меҳнаткашлари 13 июльда Жиззахнинг бутун эски шаҳрини ишғол қилдилар ва янги шаҳарга қараб йўл олдилар. Улар йўлда уезд бошлиғи полковник Рукинни қуролли аскарлари блан учратдилар. Қўзғолончилар: «Мардикорликка одам бермаймиз!» деб қичқирдилар ва Рукинни ўлдирдилар ҳамда унинг ёнидаги соқчиларнинг ҳаммасини қириб ташладилар.

Милтиқ, ов милтиқлари, қилич ва таёқлар блан қуролланган қўзғолончилар Жиззах станциясига бордилар, почта-телеграф симларини узидилар, нефть солинган идишларни ёндириб юборилар ва станцияни тор-мор қилдилар. Ломакино ва Обручева станцияларига ҳужум қилинди. Жиззах блан Урсатьевск ўртасида поездлар қатнамай қўйди.

Жиззах кетидан Зомин ва Бағдод волостьларида қўзғолон бошланди. Бу волостьларда Бухоро бегининг ўғли Абдураҳмон Жовачи ва эшон Назирхўжа Абдусаломовлар қўзғолонга раҳбарликни ўз қўлларига олдилар. Булар ўзларини бек деб э'лон қилдилар.

Туркистон генерал-губернатори қўзғолончиларга қарши курашиш учун Жиззах уездига жазо отряди юборди. Жиззах уездига 13 рота аскар, 6 тўп, казак ва сапёрлардан иборат уч отряд юборилган эди. Жазо отряди Зомин ва Бағдод халқидан шафқатсиз ўч олди.

21 июльдан қўзғолончилар блан чор аскарлари ўртасида сўнгги тўқиниш бўлди. 4.000 дан ортиқ қўзғолончилар қаттиқ маглубиятга учрадилар ва ўз қишлоқларига тарқалиб кетдилар.

5. Чоризм Ўзбекистоннинг қўзғолон қилган меҳнаткашлар оммасини бостириш учун 14 батальон пиёда аскар, казаклардан иборат 3 отряд, 44 тўп ва 69 пулемёт юборди. 1916 йил қўзғолони муносабати блан 3.000 дан ортиқ киши судга берилди, буларнинг иши тезлик блан расмийлаштирилди. Сўроқ маҳалида қўзғолончиларни қаттиқ калтаклаб, «айбларини» иқрор қилишга мажбур этдилар. 347 киши ўлим жазосига ҳукм қилинди. Қолганлари турли муддатлар блан каторга ишларига ва қамоққа ҳукм қилинди.

Чор ма'мурлари Жиззах уездидаги қўзғолончилардан айниқса шафқатсиз ўч олдилар: Жиззах шаҳридан 32 киши осишга ҳукм қилинди, деҳқонлардан икки минг десятинага яқин ер тортиб олинди, Жиззах шаҳрига ва бошқа катта қишлоқларнинг кўпига ўт қўйилди.

V. Хулосалар

1. Миллий-озодлик қўзғолонида кенг меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг, шаҳар камбағалларининг, пролетар ва ярим пролетар унсурларнинг иштироки бу қўзғолонни халқ қўзғолонига айлантирди. Ўзбек халқининг кураш тарихида бу қўзғолон биринчи марта шунчалик кенг тус олди. Миллий-озодлик ҳаракати Жиззах қуролли қўзғолонида ўзининг баланд чўққисига етди.

Аммо, ўша даврнинг шароитига мувофиқ, қўзғолон ғалаба қилмади.

«Империалистик давлатларга **қарши** миллий урушлар бўлиши мумкин ва эҳтимолгина эмас, балки муқаррардир, бу

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони

(Қўзғолоннинг 30 йиллиги муносабати блан тезислар)

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Қўзғолон бостирилди, аммо бу қўзғолон ўзбек халқи учун катта сабоқ бўлди. Ўзбек халқи ўз дўстлари ва душманларини бир-биридан ажратишни ўрганди. Қўзғолон вақтида ўзбек феодаллари, ўзбек буржуазияси ва жадидларнинг қилган хоинлиги меҳнаткашларнинг кўзини очди. Қўзғолон бостирилганидан кейин чоризмга нисбатан душманлик яна кучайди, маҳаллий халқ ўртасидаги синфий қарама-қаршиликлар кескин тус ола бошлади. Кенг меҳнаткаш деҳқонлар оммаси, пролетар ва ярим пролетар унсурлар фақат большевиклар партиясининг раҳбарлигида, улуғ рус халқининг ёрдами ва у блан иттифоқ тузиш асосидагина икки томонлама зулм қишанларини абадий парчалаб ташлай олажакларига маҳкам ишондилар. Қўзғолон тажрибаси уларга буни яққол кўрсатиб берди.

3. 1916 йилги тарихий қуролли қўзғолонга ўттиз йил бўлди. Ўзбек халқи бу давр ичида оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеаларни кўрди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бир зарба блан помешчик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташлади, мамлакатимизда миллий тенгсизлик ва миллий зулмни батамом йўқотди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси барча миллатларни тамомила тенг ҳуқуқли қилди. Октябрь революцияси Совет мамлакатидаги барча халқларни ягона қардошлик оиласига бирлаштирди. Совет Иттифоқида барча ирқ ва миллатларни тенг ҳуқуқли қилиш мафкураси, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги тантана қилди. Ўзбек халқи ленинчасталинча миллий сиёсат асосида ўзининг миллий давлати ва маданиятини яратди, юксак социалистик саноатни ва колхоз тузумини вужудга келтирди. Колхоз тузуми қишлоқнинг қиёфасини тамомила ўзгартириб юборди. Социализм ўзбек халқининг турмуши ва онгига сингиб кетди.

Ўзбек халқи большевиклар партиясининг ва улуғ **Сталиннинг** раҳбарлигида, рус халқининг қардошларча ёрдами ва кўмаги соясида Совет Шарқида илғор социалистик республикани барпо қилди. Бу республика ўзбек халқининг ашаддий душманларига қарши кўп йил мобайнида олиб борган кураши натижасида қурилди. Ўзбек халқининг 1916 йилги қўзғолони ўзбек халқига озод ва бахтли ҳаёт йўлини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг муҳим босқичларидан бири бўлди.

ЎзК(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ КОМПАРТИЯ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ — ИМЭЛ ФИЛИАЛИ.

НЮРНБЕРГДА АСОСИЙ НЕМИС-ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАРИ УСТИДАН СУД

9 ИЮЛЬ ЭРТАЛАБКИ МАЖЛИС

НЮРНБЕРГ, 9 июль (ТАСС). Трибуналнинг эрталабки мажлисида Кейтель ҳимоячиси адвокат Нельте ўз сўзини давом этдирди. Ўзи ҳимоя қилаётган айбдорни «топшириқни ижро қилучи», «ўйлаб ўлтирмовчи» ва «итоаткор» солдат сифатида тасвирлаб, Нельте Кейтельнинг «Гитлер томонидан чиқарилган буйруқлар жиноятчорона тусдаги буйруқ эканлигини билганди ҳолда, уларни тузиб жойларга юборганлигини» э'тироф этади.

Адвокат Нельтедан сўнг айбдор Кальтенбруннернинг ҳимоячиси адвокат Кауфман сўзга чиқди. Кауфман ўзининг узундан-узоқ ва умумий сўзлари блан иттифоқчи миллатлар томонидан Трибуналга тақдим қилинган ва айбдорларнинг жиноий ҳаракатини исбот этадиган ҳужжатларни пучга чиқаришга интилди.

РУМОНИЯ ФРАНЦИЯ ВА ШВЕЙЦАРИЯ БЛАН САВДО ШАРТНОМАЛАРИ ТУЗДИ

БУХАРЕСТ, 9 июль (ТАСС). «Адеверул» газетаси Румония иқтисодий делегациясининг Франциядан ва Швейцариядан қайтиб келганлигини билдириб, Румония блан мазкур мамлакатлар ўртасида савдо шартномалари тузиш тўғрисида олиб борилган музокаралар муваффақиятли суратда тамом бўлганлигини та'кидлайди.

Делегация Швейцария блан 35 миллион швейцария франки миқдорида мол айрибошлаш тўғрисида шартнома тузди. Бу шартномага мувофиқ, Румония Швейцариядан машиналар, электр асбоблар, химия маҳсулотлари, анилин бўёқлар ва шу синфдагилари олади. Румония Швейцарияга ёғоч-тахта, нефть маҳсулотлари, буғдой ва сабзавот беради.

Франция блан 400 миллион франк миқдорида мол айрибошлаш тўғрисида савдо шартномаси тузилди. Румония Франциядан пўлат асбоблар, юк машиналари ва енгил автомашиналар, резина, каучук, химия маҳсулотлари, дори-дармон ва шу синфдагилари олиб келади. Румония, бунинг эвазига Францияга буғдой, нефть ва сабзавот беради.

ПОЛЯК ХАЛҚИНИНГ ЖАЛЛОДИ ЎЛИМГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ВАРШАВА, 9 июль (ТАСС). Бугун Олий Миллий Трибунал поляк халқининг жаллоди Артур Грейзернинг иши юзасидан чиқарилган ҳукмни ўқиб эшитдирди. Суд Грейзернинг айбноманинг ҳамма моддалари юзасидан, шунингдек суд давомида яна аниқланган жиноятларни қилишда айбдор эканлигини тўла тасдиқлади. Суд Грейзерни ўлим жазосига ҳукм қилди.

ТРИЕСТ ВА ЮЛИЯ ЎЛКАСИНИНГ «А» ДОИРАСИДА АҲВОЛ

БЕЛГРАД, 9 июль (ТАСС). Белград радиоси ТАНЮГ мухбирининг Триестдан юборган хабарини эшитдирди. Бу хабарда айтилишича, «А» доирасида бошланган ва оккупацияни ҳарбий бошқарма томонидан қонунга хилоф деб э'лон қилинган ишчиларнинг умумий иш ташлови давом этмоқда. Триест ва «А» доирасидаги ишчилар ўз талабларидан қайтмай, курашни охиригача давом этдиришга қат'ий қарор бердилар. Юлия ўлкасининг инглиз-американлилар ҳарбий ма'мурияти идорасида бўлган Святой Якоб, Росол, Дуголин деган жойларида ва бошқа пунктларида бўлган ҳамма митингларда шундай қарор чиқарилди.

Юлия ўлкаси ва Триестдаги антифашист словен-итальянлар союзи ижроия комитети Триестдаги ва «А» доирасидаги словен ҳамда итальян ишчиларига хитобнома блан мурожаат қилди. Бу хитобномада қуйидагилар айтилади:

Юлия ўлкаси ва Триестдаги антифашист словен-итальянлар союзи ижроия комитети Триестдаги ва Юлия ўлкасининг «А» доирасидаги итальян ва словен ишчиларининг бутун курашини қат'ий ма'қуллайди. Ишчиларнинг сабот кўрсатиб, асосий демократик ҳуқуқларни амалга ошириш йўлида кат'ий курашаётганликлари ҳаддирга сазовордир.

ФОРРЕСТОЛ НАНКИНГА КЕЛДИ

ШАНХАЙ, 8 июль (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг билдиришига қараганда, Америка Қўшма Штатларининг денгиз министри Форрестол 7 июльда Нанкинга келди. Форрестол тушдан кейин Бэйпенга учиб кетган.

ФАЛАСТИН ТЎҒРИСИДА ИНГЛИЗ-АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИГА ДОИР

ЛОНДОН, 9 июль (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради: Англия Ташқи Ишлар министрлиги 8 июль кечқурун Фаластин тўғрисидаги доклад юзасидан музокара олиб бориш учун Қўшма Штатлар вакилларининг 11 июльда Англияга келишини э'лон қилди.

А. В. АЛЕКСАНДРОВ

Исте'додли рус композитори ва дирижёр, Совет Иттифоқи Гимни музикасининг автори, ССР Иттифоқи Қизил байроқ ордени қизил аскар қўшиқ ва рақс ансамблининг ташкилотчиси ва доимий раҳбари—генерал-майор Александр Васильевич **Александров** 1946 йил 8 июльда вафот этди. Қизил Армия ва совет сан'ати оғир мусибатга дучор бўлди.

Александр Васильевич ўзининг бутун ҳаётини рус халқ ашулалари ва қизил аскар қўшиқларини яратиш, ишлаш ва пропаганда қилишга бағишлади. У азиз мамлакатимизни, унинг қаҳрамон ўтмишини, ҳозирги порлоқ ҳаётини, совет кишиларининг ҳаёти ва зафарларини куйлади. Унинг қўшиқлари совет кишиларини ватанпарварлик руҳида ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялади. Унинг кўп қўшиқлари Ватанимизнинг содиқ посбони бўлган Қизил Армияга бағишланган.

Александр Васильевич 1928 йилда Қизил аскар қўшиқ ва рақс ансамблини ташкил этди. Бу ансамбль мамлакатимиздаги энг яхши музикачи коллективларнинг биридир. Армиямиз уни беҳад севади, у Совет Иттифоқида ва бошқа мамлакатларда машҳурдир.

Александр Васильевич Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқининг ва унинг Қизил Армиясининг буюк қаҳрамонлигини музикада акс эттиришга тиришди. У Ватан саодати учун қаҳрамонлик зафарларига дав'ат этган ўнларча қўшиқлар ёзди. Александр Васильевич урушнинг дастлабки кунларида ёзган «Муқаддас уруш» деган қўшиғида миллионларча совет кишиларининг хисларини, уларнинг душман устидан порлоқ ғалаба қозонишга бўлган маҳкам ишончини яққол ифода қилди.

Александр Васильевич **Александров** Совет Иттифоқи Гимни музикасини яратган кишидир.

Александр Васильевичнинг иши хилма-хил эди. У исте'додли композитор ва дирижёр бўлибгина қолмади, шу блан бирга қўшиқчи кадрлар тайёрлаш соҳасида маҳорат блан ишлади, халқ ижодини ҳормай-толмай тарғиб қилди.

Александр Васильевич аскарлар орасида қўшиқ сан'атини баланд даражага кўтарди. Ўнларча қизил аскар қўшиқ ва рақс ансамбли унинг фаол иштироки блан тузилди.

Александр Васильевич **Александров** ўзининг бутун ижодий кучини, бутун исте'додини совет маданиятини яратишга бағишлади.

Александр Васильевич сан'ат соҳасида фидокорона қилган ишлари блан ҳурмат ва шарафга сазовор бўлди. Унга СССР Халқ артисти унвони, сан'ат фанлари доктори деган даража берилди. У икки марта Сталин мукофотини олди. Совет ҳукумати ўртоқ **Александровнинг** ишларини ғоят тақдирлаб, уни Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари ва «Москва мудофааси учун», «1941 — 45 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», «Улуғ Ватан урушида қилинган шавқатли меҳнат учун» медальлари блан мукофотлади.

Жангчилар, офицерлар, генераллар ва совет сан'ати ходимлари Александр Васильевич **Александровнинг** зўр талант ва меҳр-муҳаббат блан совет халқига қилган хизматлари учун уни эсда тутадилар ва доим ҳурматлайдилар.

Н. БУЛГАНИН, К. ВОРОШИЛОВ, А. ВАСИЛЕВСКИЙ, И. КОНЕВ, К. ВЕРШИНИН, Н. КУЗНЕЦОВ, А. ХРУЛЕВ, К. РОКОСОВСКИЙ, В. СОКОЛОВСКИЙ, Г. АЛЕКСАНДРОВ, И. ШИКИН, М. ХРАПЧЕНКО, Е. ХАЧАТУРЯН, В. ШЕБАЛИН, Н. МЯСКОВСКИЙ, Д. ШОСТАКОВИЧ, Н. ТИХОНОВ, Р. ГЛИЗР, Ю. ШАПОРИН, А. НОВИКОВ, В. СОЛОВЬЁВ-СЕДОЙ, В. ЗАХАРОВ, А. СВЕШНИКОВ, Ф. КУЗНЕЦОВ, С. ШАТИЛОВ, М. ПРОНИН, В. ВЕСЕЛОВ, П. ФЕДОСЕЕВ, М. КОВЧУК, А. ЛЕБЕДЕВ, А. ЕГОЛИН, В. СУРИН, С. ЧЕРНЕЦКИЙ, А. ПОПОВ, И. МОИСЕЕВ, И. ДУНАЕВСКИЙ, А. ЦАРИЦИН, В. МАКСИМОВ.

РЕСПУБЛИКА БАДИЙ ҲАВАСКОРЛАР ОЛИМПИАДАСИ ОЛДИДАН

Олимпиада қатнашчилари пойтахтга кела бошладилар

Шу йил 14 июльдан 21 июльгача Тошкент шаҳрида бадий ҳавасқорларнинг республика олимпиадаси ўтказилади. Олимпиадада Ўзбекистоннинг барча район, шаҳар ва областларидаги корхона, ташкилот, ўқув юртлари ва колхозлар ҳузурида тузилган ҳаваскор сан'атчилар тўгаракларининг а'золаридан 3 мингга яқин киши иштирок этади.

Олимпиада қатнашчилари ҳозир Тошкентга кела бошладилар. Вакилларни кутиб олиш ва уларни жойлаштириш учун ЎзССР Маданий оқартув муассасалари комитетининг мас'ул ходимлари ажратилган. Олимпиада иштирокчилари ўзларини кутиб олучи пойтахт меҳнаткашларига вокзалнинг ўзидаёқ концертлар қўйиб бермоқдалар.

11 июльгача Тошкентга Андижон, Самарқанд, Бухоро, Сурхондар'ё ва Наманган ва бошқа областларнинг ёш сан'атчилари етиб келдилар. Бугун Қашқадар'ё область ва Қорақалпоғистон АССРнинг вакиллари келиши кутилади.

Олимпиада қатнашчилари 14 июльгача қолган кунларда пойтахтда репетиция ўтказадилар.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН»НИНГ ЁРДАМИ БЛАН

„Қорасув мактабларига раҳбарлик бўшашиб қолди"

«Қизил Ўзбекистон» газетасида шу сарлавҳа остида босилган хабарда Тошкент область, Қорасув районининг айрим мактабларида ўқув-ўқитув ва та'лим-тарбия ишларининг ёмон аҳволда эканлиги қаттиқ танқид қилинган эди. Райондаги 10-нчи ва 13-нчи сон мактабларда ўқучиларнинг машғулотларга давомати жуда пастлашиб кетган. Бу мактабларда дарс бераётган кўпгина ўқитувчиларнинг пазарий билим даражаси паст бўлишига қарамай, улар ўз малакаларини ошириш устида ишламаганлар. Район маориф бўлимидаги раҳбар ўртоқлар мактаблар иши блан кам шуғулланганлар.

ЎзК(б)П Қорасув район комитети текшириш натижасида мақолада кўрсатилган фактларнинг тўла тасдиқланганлигини ва райком бюросининг қарори блан шу нуқсонларни тезлик блан тугатиш учун район маориф бўлими мудири ўртоқ Бадиловга конкрет йўл-йўриқлар берилганини билдирди.

ТУЗАТИШ

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 6 июль сонида э'лон қилинган Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Мактабларни 1946-1947 ўқув йилига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорининг еттинчи абзаци (1-нчи бет, 4-нчи устун) қуйидагича тузатилиб ўқилсин:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон Министрлар Советига, область ижроия комитетларига 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан 1944 йилда тасдиқланган қўлланмага мувофиқ, 15 июльдан 15 августгача рўйхатга олишни таклиф қилди.

Мас'ул муҳаррир Ўринбосари Р. САҲИБОЕВ.

Германиянинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисидаги шартнома юзасидан Америка тақдим этган лойиҳа

ПАРИЖ, 9 июль (ТАСС). Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг май ойида Парижда бўлиб ўтган сессиясида Америка делегацияси Германияни Қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисидаги шартнома лойиҳасини муҳокама қилишни таклиф этган эди.

Американинг шартнома лойиҳаси беш моддадан иборат. Лойиҳанинг кириш қисми ва биринчи моддаси Германиянинг мағлубияти тўғрисида 1945 йил 5 июньда чиқарилган декларациянинг герман қуролли кучларини тарқатиб юбориш ва уларнинг бундан кейин ҳам бўлишига йол қўймаслик ҳақидаги қоидаларини сўзма-сўз такрорлайди дейиш мумкин. Лойиҳанинг биринчи моддасида Германиянинг ҳарбий қуроллар ишлаб чиқариши ёки ташқиридан келтиришни тақиқлашни, ҳарбий иншоотлар, фабрика ва заводлар, текшириш институтлари ва лабораториялар очиб, улардан ҳарбий мақсадлар учун фойдаланишни тақиқлашни ҳам кўзда тутади. Шартнома лойиҳасининг кириш қисмида иттифоқчи давлатларнинг Германияни тамомила қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисидаги тадбирлари «асосан бажарилди» дейилади.

Шартнома лойиҳасининг иккинчи моддаси бунн қувватлаб, Германияни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш соҳасидаги ишларни текшириб туриш учун тўрт томонлама комиссия тузишни кўзда тутади. Иттифоқчилар оккупацияси тамом бўлганидан кейин бу комиссия биринчи моддадаги шартларнинг Германия томонидан қандай бажарилаётганини текшириб туриши керак.

Америка лойиҳасининг учинчи моддасида, Германиянинг дастлабки икки моддани сўзсиз қабул қилиши Германия территориясининг иттифоқчи қўшинлар томонидан оккупация қилинишини тўхтатишнинг шарти бўлади, дейилади.

Лойиҳанинг тўртинчи моддаси Контроль комиссиясининг қандай ишларни бажариши кераклигини умумий шаклда белгилайди. Германия шартнома моддаларини бузган тақдирда Контроль комиссияси ўз ҳукуматларига доклад ва тавсияномалар юбориши керак. Комиссиянинг қарорлари кўпчилик овоз блан қабул қилиниши лозим. Комиссиянинг доклад ёки тавсияномалари олиниши блан, аҳдлашучи томонлар Германия томонидан шартнома моддаларининг бузилишига йўл қўймаслик ёки бунинг олдини олиш учун «ўзаро келишиб» зарур чораларни кўрадилар.

Бешинчи модда шартнома муддатини 25 йил қилиб мўлжаллайди. Бу муддат тамом бўлганидан кейин, аҳдлашучи томонлар Германияни шундан кейин ҳам контроль қилиб туриш керакми ё йўқ, деган масалани ҳал этишлари лозим.

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг май сессиясида Американинг шартнома лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама қилинган вақтда совет делегацияси янги шартнома тўғрисида гапиришдан аввал Германияни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорларнинг қандай амалга оширилаётганлигини текшириб чиқишни таклиф этган эди. Совет делегациясининг, Германиядаги Контроль Кенгаши томонидан Германиянинг қандай қуролсизланаётганини текшириб Комиссия тузилсин, деган таклифи қабул қилинган эди. Аммо, Контроль Кенгашида бу Комиссиянинг вазифалари ҳақида ихтилоф чиққан эди. Уша вақтда бир қарорга келинмади. Шундан кейин Контроль Кенгаши юз берган ихтилофларни Ташқи Ишлар Министрларига ма'лум қилиб, Германиянинг қандай қуролсизланаётганлигини текширучи комиссия тўғрисидаги масалани тўрт ҳукуматнинг муҳокамасига ҳавола қилган эди.

Бугун Париж кенгашида Германиянинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисидаги Америка лойиҳаси муҳокама қилина бошлади.

„ТЎРТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ" ГЕВАРАГИДА

ПАРИЖ, 9 июль (ТАСС). Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг бугунги мажлисида Сулҳ конференциясининг ишларини уюштириш ва конференциянинг иш тартиби тўғрисидаги қоидалар масаласини муҳокама қилиш тамом бўлди. Кеча делегация бошлиқларининг кенгашида бу масала юзасидан асосан бир фикрга келинди ва жанжалли масалаларнинг ҳаммаси юзасидан умумий қарорлар қабул қилинди. Бугун Министрлар Кенгаши бу ҳужжатнинг текстини тасдиқлади.

Сўнгра, Италиядан олинадиган репарациялар тўғрисидаги масала ҳақида чиқарилдиган карор қисқача муҳокама қилинганидан кейин қат'ий суратда тасдиқланди. Бошқа давлатлар фойдасига Италиядан олинадиган репарациялар масаласида Сулҳ шартномаси лойиҳасига эскартиш тариқасида бир модда киргизиш тўғрисида бир фикрга келинди. Бу моддада айтилишича, бошқа давлатлар томонидан, жўмладан Франция, Югославия, Греция, Албания ва Ҳабашистон томонидан бўладиган бундай да'волар Сулҳ конференциясида кўрилади. Сулҳ конференцияси бундай да'воларнинг миқдорини ва уларни қаердан ундириш кераклигини аниқлайди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг бош секретари Париж музокараларида қатнашаётган делегацияларнинг бошлиқларига хат блан мурожаат қилди. Бирлашган миллатлар Бош Ассамблеясининг мажлиси 3 сентябрьга тайинланган. Сулҳ конференцияси 29 июльда Парижда очилиши муносабати блан Бош Ассамблея мажлисини бирмунча кечиктириш зарур деган масала пайдо бўлди. Қисқача фикр олишилганидан кейин Министрлар Кенгаши Бирлашган миллатлар Бош Ассамблеяси мажлисини 23 сентябрьга кўчириш ма'қул деган фикрни билдирди.

Шундан кейин Тўрт Министр Конференцияси Германия масаласини муҳокама қилишга киришди. Бу масала май ойидаёқ муҳокама қилина бошлаганлиги ма'лум. Уша вақтда Америка Қўшма Штатларининг давлат секретари Бирнс Германияни қуролсизлантириш ва унинг ҳарбий кучларини йўқотиш тўғрисида тўрт давлат томонидан тузиладиган шартноманинг лойиҳасини муҳокамага қўйган эди. Матбуотнинг билдиришига қараганда, бу лойиҳани сенатор Вандеенберг тузган. Бу лойиҳа бир қатор сабабларга кўра, Америкадаги ва бошқа мамлакатлардаги жамоатчиликнинг тараққийпарвар доираларини ташвишга солган эди.

Бугунги мажлисда ССР Ташқи Ишлар Министри ўртоқ В. М. Молотов сўзлади. Ўртоқ Молотов ўз сўзида Америка делегацияси томонидан тақдим этилган шартнома лойиҳаси тўғрисида Совет Иттифоқининг фикрини баён қилди.

Германия масаласи бугун муҳокама қилина бошлади. Муҳокамаининг давоми эртага бўлади.

Матбуот конференциясида Осубка-Моравский сўзи

ВАРШАВА, 9 июль (ТАСС). Бош министр Э. Осубка-Моравский кеча чет эл мухбирлари учун матбуот конференцияси ўтказди. У матбуот конференциясида умумий овозга қўйиш якунлари ва мамлакатни тиклаш заёмига доир ба'зи ма'лумотлар берди.

Бош министр бундай деди: Оппозициянинг Польшада ўтказилган референдум (умумий овозга қўйиш)га қандай қараганлиги ҳаммага ма'лум. Умумий овозга қўйиш натижасида Польша халқининг кўпчилиги ҳукуматга ишонч билдирди. Ҳукумат томонидан ўтказилган ислоҳотларни тамомила ма'қуллади. Умумий овозга қўйишнинг қат'ий якунлари 12 июльдагина э'лон қилинади. Лекин шунга қарамай, бугун дастлабки якунларга қараб ишонч блан айтиш мумкинки, умумий овозга қўйишда демократик партияларнинг блоки ғалаба қилди. Овоз берганларнинг кам деганда 60 процента уч саволнинг ҳаммасига «ма'қул» деб жавоб қайтарган бўлса керак. Миколайчик тарафдорлари «Стронництво праці» партиясининг ўнг қаноти блан бирга, кўп деганда 15 процент овоз олди ва Польшадаги ПСЗ, ВИН деган тескарича ташкилотлар ва бошқа тескарича-фашист ташкилотлар тахминан 25 процент овоз олса керак. Бу якунларга қараб, Польшада реакция ҳали кучли, деган хулосани чиқариш мумкин.

Бош министр яна қуйидагиларни айтди: мамлакатни тиклаш учун чиқарилган биринчи заёмнинг тарқалиш якунлари мамлакатдаги ички сиёсий аҳволни яққол кўрсатиб берди. Бу заёмнинг тарқалиш якуларини Польша тарихида шу соҳада ҳечқачон кўрилмаган буюк ғалаба деб қараймиз. Биз мамлакатни тиклашга сарф қилинадиган янги заём чиқариб, бу заёмни тарқатиш учун Польша жамоатчилигининг кенг доираларини жалб этдик. 19 вилоят, 206 уезд ва 2.600 волость комитетлари тузилди, шунингдек заёмда тарқатишга ёрдам беручи шаҳар комитетлари ташкил этилди. Заёмга ёзилиш расмий суратда э'лон қилинишидан аввал 170 мингга яқин поляк граждани қариб бир миллион злотих миқдорида ихтиёрий равишда заёмга ёзилди. Биз 2-3 миллиард злотих миқдорида заём тарқатмоқчи эдик, аммо ҳақиқатда халқ демократик давлатимизга 4 миллиард 500 миллион злотихдан ортиқ қарз берди. 1933 йилда Польшада 35 миллион киши бор эди. Уша вақтда миллий заёмга 1 миллион 430 минг киши ёзилган эди. Ҳозирги вақтда Польшада 23 миллион киши бор. Заёмга эса, 1 миллион 800 мингдан ортиқ киши ёзилди.

Осубка-Моравский «Польське стронництво людове» (ПСЛ) партияси тўғрисида гапириб, бу партия ақалли икки ёки хатто уч қисмдан иборат эканлигини та'кидлади. «Биз,—деди бош министр,—ПСЛнинг ўнгчи оппозицияда бўлса ҳам, демократик ғалабаларга тарафдор бўлган қисмини та'киб этиш ниятида эмасмиз. Аммо, ПСЛнинг мамлакатда бошбошдоқлик туғдиришга урунаётган қисмига қарши қат'ий кураш олиб борамиз».

Айрим эрбоблларнинг, сейм сайловлари ноябрь ойида ўтказилади деган гаплар тўғрими, деб берган саволига жавоб қайтариб, бош министр айтдики, бу тўғрида ҳали қарор чиқарилгани йўқ, аммо бу тўғридаги гаплар ҳақиқатга яқиндир. Умумий овоз бериш вақтидагидек сейм сайловлари вақтида тузилганлиги сайлов комиссияларида ҳам ПСЛ а'золаридан вакиллар бўлади.

Миколайчик овоз бериш натижаларига қарши чиқдими, деб берилган саволга бош министр, у ҳатто расмий важларга кўра ҳам, овоз бериш якунларига қарши чиқаолмайди, чунки овоз бериш якунлари ҳали тўпланган эмас, деди. Аммо, Миколайчик ҳарқандай ўринсиз далиллар блан қарши чиқишни яхши кўради. Министрлар совети Сикорскийнинг жасадини Польшага олиб келиш масаласини қўйганда ҳам Миколайчик бунга қарши чиқди.

Осубка-Моравский бундай деди: «Бахтга қарши поляк руҳонийларининг кўп қисмини поляк тескаричилари сафига қўшишга тўғри келади» католик руҳонийлари яҳудийларни талашга қарши қаратилган ҳарқандай декларацияни ишолашдан қат'ий воз кечдики, бу айниқса шармандали бир ҳолдир. Ксендлар (поляк руҳонийлари) ўғрилар томонидан ўлдирилган давлат хизматчиларини, дафн этишдан бош тортганликларини кўрсатадиган мисоллар ҳам бор. Бош министр яна қуйидагиларни айтди: католик руҳонийларнинг пастки қатламлари католик черкавининг бундай ишларини ма'қулламаса керак, аммо, улар интизомга қаттиқ риоя қиладилар. Бундан юз йилдан кўпроқ илгари ғарбда никоҳни кайд қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди. Поляк руҳонийларининг шу қонунга ҳам қарши чиққанлигини э'тиборга олганда, поляк руҳонийлари энг колок ва тескаричи руҳонийлар бўлиб келди ва ҳозирда ҳам шундай, деб хулоса чиқаришга тўғри келади.

НЕМИС ОЛИМЛАРИ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА ЮБОРИЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 6 июль (ТАСС). «Нью-Йорк уорлд телеграмм» газетасининг Вашингтон мухбири билдиради: Америка Қўшма Штатларининг давлат департаменти, ҳарбий ва денгиз министрликлари немис олимларининг Америка Қўшма Штатларига келиши ва Америка гражданлигини қабул қилишига имкон берадиган программа тузиб чиқдилар ва ма'қулладилар.

Мухбирнинг ёзишича, ҳукумат доиралари машҳур австрияли олимларни ва немис олимларини, шу жумладан Америка флоти ҳамда армияси учун махфий қуроллар тайёрлаш соҳасида ишлаётган олимларни Америкага доим жўнатиб турмоқчилар.

ЭРОНДАГИ ТЕСКАРИЧИ УНСУРЛАРНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

ТЕҲРОН, 9 июль (ТАСС). 30 июньда Эрон Халқ партияси марказий Комитети ва касаба союзлари марказий кенгаши декларация э'лон қилди. Бу декларацияда айтилишича, ба'зи авантюристлар ва тескаричи унсурлар жамоатчилик фикрини чалғитиш учун Халқ партияси ва касаба союз ишчилари номидан иғвогарлик хуружларини уюштирмоқчилар.

Шу муносабат блан «Раҳбар» газетаси ёзади: кейинги вақтларда шубҳали ва тескаричи унсурларнинг иғвоси кучайди. Бу-ларнинг ба'зилари қишлоқларга бориб, Халқ партияси номидан гапириб, помешчикларни ўлдиришга деҳқонларни ундамоқдалар ва ҳоказо. Газетанинг ёзишича, Теҳроннинг ўзида Матин Дафтари, Аҳмад Деҳқон деган ва бошқа шахслар демократик ташкилотларга ҳужум бошлаш учун шароит туғдириш мақсадида «Халқ партияси»нинг «митинг ва намойишлари» деган ниқоб остида погром ўтказишга тайёргарлик кўрганлар.

БЕЛЬГИЯ ҲУКУМАТИ ИСТЕ'ФО БЕРДИ

ПАРИЖ, 9 июль (ТАСС). Брюссельдан билдиришларига қараганда, бугун сенат 78 овозга қарши 79 овоз блан Бельгия ҳукуматига ишонч билдирмаганлиги сабабли ҳукумат исте'фо берган.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 12 ва 13 июльда **Муҳаббат.**

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 12 июльда **Тоҳир ва Зуҳра**, 13 июльда **Нурхон.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — **Ўғриллар**; «НАВОИЙ» — янги бадиий кинокомедия **Насриддин афанди** (ўзбек тилида); «9-нчи МАЙ» — **Чарлейнинг холаси**; «ОКТЯБРЬ» — **Насриддин афанди** (ўзбек тилида); «ВАТАН» — **Насриддин афанди** (ўзбек тилида); «ХЕВА» — янги бадиий америка фильми **Балерина**; «ИСКРА» — музикали фильм **Сильва**; «УДАРНИК» — бадиий америка фильми **Балерина**; «ТЕЛЬМАН» — бадиий ранглор фильм **Тош гул**; «ПОБЕДА» — бадиий америка фильми **Балерина**; «ВЕСНА» — **Гумаштанинг синглиси.**

КИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда **Волга-Волга**; «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Виборг томони**; «НОВОСТИ ДНЯ» — **Ўғриллар**; «ПОБЕДА» — кечқурун **Малахов қўрғони.**

Тошкент шаҳаро телефон станцияси

ТЕЛЕФОНИСТКАЛАР КУРСИГА ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати бир ой.

Киручилар камида 5 синф ҳажмида ма'лумотга эга бўлишлари лозим.

Ўқучиларга ойига 200 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ошхона бор.

Некрасов кўчаси, 1-нчи уйда кадрлар бўлимига соат 8 дан 16 яримгача учрашилсин.

«Главкинопрокат» Ўзб. конторасн кинотеатрларда кўрсатиш учун Ўзбек тилида

НАСРИДДИН АФАНДИ

деган янги овозли бадиий кинокомедия чиқарди

Автор — **Леонид Соловьёв, Виктор Виктович.**

Постановкачи режиссёр—ЎзССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Наби Ғаниев.**

Композитор — ЎзССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Алексей Козловский.**

Рассом—ЎзССР халқ рассоми **Варшам Еремян.**

Бош оператор — ЎзССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби **Даниил Демуцкий**

Оператор—**Михаил Краснянский**

Овозга олучи оператор—**Карим Бўрибоев**

Режиссёрнинг старший ассистенти — **Эсан Каримов**

Картина директори—**Михаил Ишевский.**

Рольларда:

Насриддин—ЎзССРда хизмат кўрсатган артист **Раззоқ Ҳамроев**

Кўса — ЎзССРда хизмат кўрсатган артист **Раҳим Пирмуҳамедов**

Оғабек — ЎзССР халқ артисти **Обид Жалилов**

Зулфи — **Юлдуз Ризаева.**

Саид—**Қабул Холиқов.**

Бу фильмни Тошкент бадиий фильмлар студияси 1946 йилда ишлаган.

Тошкент шаҳар, Сталин район, 13 бўлим халқ суди билдиradики, Ҳ. Раззоқовнинг М. Большаковдан ажралиш ҳақидаги арзаси судда кўриш учун қабул қилинди.

СССР Савдо министрлиги.
Бутун Иттифоқ сиртқи совет савдоси институтининг Урта Осиё филиали
1946/47 ўқув йилида
молшунослик, молия-иқтисод ва учёт-иқтисод факультетларининг 1-нчи ва юқори курсларига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Қабул шартлари бошқа олий ўқув юртларидагича.

Муфассал қабул шартларини филиал идорасидан билиш мумкин.

Адрес: Воскресенский переулок, 1-нчи уй, 88-нчи мактаб биносида. Соат 4 дан 6 гача учрашилсин.

Тошблпромсоюз ташкилот бюросининг 1940 йил 25 июньдаги 40-нчи сон қарори ва ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ҳунармандчилик кооперацияси бошқармасининг 1946 йил 22 июньдаги қарорига биноан Тошкент область, Сирдар'ё станциясидаги

кўп саноатли артель

«БИРЛАШГАН»

ТУГАТИЛАДИ

Бу артелга да'волари бўлган муассаса ва ташкилотлар, шунингдек айрим кишилар шу йил 20 июльгача билдирсинлар. Кўрсатилган муддатдан кейин ҳечқандай да'во қабул қилинмайди.

Тугатиш комиссияси.

Тошкент шаҳар «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» босмахонаси.
Тиражи 64,5 минг нашр № 38 Р. 04801.